

Афтидан, ёвузлик билан эзгулик ўртасидаги кураш шу пайтгача бўлганидек, бундан кейин ҳам давом этадиган кўринади. Агар шайтон васвасига учмасак, сўзсиз, эзгулик тарафиди бўламыз.

8 бет

Сара донларнинг омборларимизни тўлириб туришларини кўриб кўзингиз қувонади. Бироқ омборда ўпқон пайдо бўлса-чи? Ғаллакорларимизнинг ҳаюл меҳнатлари эвазига бунёд этилган донни ютиб юборса-чи?

9 бет

Mustaqillik huquq demakdir

Нидо



1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan

www.huquq-gazeta.uz

2011-yil 4-avgust, №31 (760)



Чирчиқ шаҳри

Саноқли кунлардан кейин серкуёш диёримизнинг 20 йиллигини қарши оламиз. Асрларга татигулик ўтган 20 йил ичида барча соҳаларда бўлгани каби сул-ҳуқуқ тизимида ҳам кенг ислохотлар ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилди. Жумладан, Тошкент вилоят прокуратураси органилари ходимлари ҳам халқимизнинг асрий орзуси ушлаган кун ҳисобланган мазкур байрамни муносиб қарши олиш мақсадида зиммаларидаги улкан масъулиятни ҳис этган ҳолда фаолият олиб бормоқдалар.

Қонунийлик йўлида

Бахтиёр ХОДЖАЕВ,

Тошкент вилоят прокурори вазифасини бажарувчи

Вилоят ҳудудидида қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, жиноятчилик ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида 2011 йилнинг 1-ярми мобайнида қонунлар, Республика Президентининг Фармонлари ва қарорлари, Ҳукумат қарорлари, Бош прокурорнинг буйруқ ва кўрсатмалари, Бош прокуратура ҳайъатининг қарорлари ҳамда иш режалари асосида муайян ишлар амалга оширилди.

Қонунлар ижроси юзасидан ўтказилган 1477 та текширувлар натижаларига кўра 25818 та прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди. 10199 нафар шахс интизомий, маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилди. Жиддий қонунбузилиши ҳолатлари юзасидан 509 та жиноят ишлари кўзгатилиди. 249,8 млн. сўм зарар айбдорлардан ихтиёрий ундирилиб, 13,4 млрд. сўмни ундириш юзасидан судларга 3631 та даъво аризалари киритилди.

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамят ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда қишлоқ ҳўжалиги соҳасида қонунийликни таъминлаш ва ҳўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида ўтказилган текширишларда асосий эътибор қонунлар, Республика Президентининг Фармонлари ва қарорлари, Ҳукумат қарорлари талаблари ижросига қаратилди. Фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларига путур етказилаётган ҳолатлар юзасидан қатъий чоралар кўрилганлиги натижасида, аҳолини иш билан таъминлаш, иш ҳақи, пенсия ва нафақалар тўловининг амалга оширилиши ишлари бирмунча жадаллаштирилиб, ижтимоий соҳаларда прокурор назоратининг самарадорлигига эришишга ҳаракат қилинди. Жумладан, вилоят прокуратураси органилари томонидан олиб борилган назорат тадбирлари натижасида пенсия ва нафақа тўловлари бўйича қарздорлик тўлиқ бартараф этилди.

Аҳолини иш билан таъминлаш Дастурига асосан ҳисобот даврида 43168 та янги иш ўринлари ташкил этилиб, белгиланган режа ортиси билан уудаланди. Шундай бўлса-да, айрим корхоналарда иш ҳақидан қарздорлик муаммоси ҳали ҳам тўлиқ бартараф этилмаган. Тўлов мuddати ўтган иш ҳақидан қарздорлик 1,1 млрд. сўмни ташкил қилган. Жумладан, "Исиклик манбаи" ишлаб чиқариш бирлашмаси мансабдор шахслари ишчи-ҳодимларга 1,7 млрд. сўмлик иш ҳақларини ўз вақтида тўлаш чораларини кўрмаганликлари аниқланиб, вилоят прокуратураси томонидан ишлаб чиқариш бирлашмаси мансабдор шахсларига нисбатан ЖКнинг 207-моддаси 1-қисми билан жиноят иши кўзгатилиб, тергов ҳаракатлари олиб боришмоқда.

Шунингдек, иқтисодиёт соҳасида қонунийликни таъминлаш, тўлов интизомини мустаҳкамлаш, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш борасидаги текширишларнинг сифати ва самарадорлигини оширишга эътибор қаратилди.

/Давоми 4-бетда/

Кенгайтирилган ҳайъат мажлиси

Ўзбекистон Республикаси Бosh прокуратурасида Бош прокурор Р.Қодилов раислигида кенгайтирилган ҳайъат мажлиси бўлиб ўтди.

Унда Бош прокуратура ҳамда Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг таркибий тармоқлари раҳбарлари, шунингдек, вилоятлар, туманлар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар, департаментнинг ҳудудий бошқарма ва бўлимлари бошлиқлари иштирок этдилар.

Ҳайъат мажлисида прокуратура органларининг мамлакатда қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, жиноятчилик ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида 2011 йилнинг 1-ярмидаги фаолияти яқунлари муҳокама қилинди.

Ўтган даврда прокуратура органилари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримовнинг 2010 йил 12 ноябрда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида "Мамлакатимизда демократик ислохотлари янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамятини ривожлантириш концепцияси" мавзuida ҳамда жорий йилнинг 21 январидида Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил яқунларига бағишлаб ўтказилган йилгилишда қилган маърузалардан келиб чиқадиган прокуратура органларининг вазифаларини амалга оширишга устувор аҳамият берилди.

Ҳайъат мажлисида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ва иш билан таъминлаш соҳаларида қонунийликни тўлиқ таъминлаш, фуқароларнинг соғлигини сақлаш, ижтимоий ҳуқуқларини кафолатлаш ҳамда биринчи даражали тўловлар амалга оширилиши жараёнида йўл қўйилаётган қонунбузарликларни бартараф этиш чоралари кўрилгани қайд этилди.

Шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, бу борада қабул қилинган Давлат дастурининг аниқ ва сўзсиз ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилиб, тадбиркорлик фаолиятининг ривожланиши йўлидаги маъмурий тўсиқлар ва бюрократия ҳолатларини аниқлаш ва бартараф этишнинг зарур чоралари кўрилганлиги таъкидланди.

Шу йил 9 февралда бу масалада Бош прокурорнинг махсус бўйруғи, шунингдек, ушбу масалада бевосита масъул бўлган 16 та идора билан ҳамкорликда тадбиркорларнинг ҳуқуқий ҳимоясини янада ку-

чайтириш ҳақида қўшма кўрсатма қабул қилиниб, жойларга етказилганлиги эътироф этилди.

Қишлоқ ҳўжалиги соҳасида қонунлар ижросини назорат қилиш, деҳқон ва фермерларнинг ҳуқуқларини ҳимоялаш, қишлоқ ҳўжалигидаги суиестеъмолликларга барҳам бериш каби вазифаларни бажариш, жорий йилда пахта ҳосилининг тўлиқ етиштирилишини таъминлаш борасидаги фаолиятнинг самарадорлигини ошириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Шу билан бирга, ҳайъат мажлисида прокурор назоратининг бошқа йўналишларида ҳам муайян натижаларга эришилганлиги қайд этилиб, йўл қўйилган камчиликлар қаттиқ танқид остига олинди.

Фуқароларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, соғлигини сақлаш ва шу каби бошқа ҳуқуқларининг кафолатланишига қаратилган қонунлар ижроси юзасидан айрим вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ва ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан ҳамда баъзи ҳудудларда қонунбузилишларга йўл қўйилганлиги танқид қилиниб, бу соҳада назоратни янада кучайтириш ва мутасадди идоралар томонидан йўл қўйилаётган қонунбузилишларни бартараф этишнинг зарур чораларини кўриш топширилди.

2011 йилда янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш Давлат дастури, қишлоқда уй-жой, муҳандислик ва транспорт коммуникациялари тармоқларини қуриш ҳамда инфратузилмани ривожлантиришга қаратилган қонун ҳужжатлари ижроси устидан назоратни тубдан яхшилаш талаб этилди.

Айрим ҳудудларда тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатларини таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар етарли эмаслиги кескин танқид қилиниб, бу йўналишда назорат фаолиятининг самарадорлигини янада ошириш топширилди. Назорат фаолиятини амалга оширишда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва эркинликларининг самарали ҳимоясини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг энг муҳим устувор вазифаларидан бири эканлигига йиғилиш қатнашчиларининг эътибори яна бир бор қаратилди.

Шунингдек, вояга етмаганларнинг назоратсизлиги ва қаровсизлигининг олдини олиш, умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини таълимнинг кейинги босқичига тўлиқ жалб этиш ҳамда коллеж ва лицей битирувчилари-

Умирбек МАДРАХИМОВ,
Бош прокуратура
бошқарма катта прокурори

нинг бандлигини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш топширилди.

Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти томонидан тезкор-қидирув имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш, яширин иқтисодий фаолиятга қарши курашиш борасидаги камчиликлар танқид қилиниб, бу йўналишдаги ишларни кучайтириш кўрсатиб ўтилди.

Ҳуқуқий муҳофаза қилувчи органларнинг жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги фаолияти мувофиқлаштирилиб, улар ўртасида ўзаро ҳамкорлик таъминланиб келинган. Шунга қарамайдан, республика бўйича айрим жиноят турлари ошган.

Мажлисида жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги фаолият устидан назоратни кучайтириш, дастлабки тергов жараёнида ҳар бир жиноятнинг сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни тўлиқ аниқлаб, қонунда белгиланган ваколатлардан фойдаланган ҳолда, ушбу сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этишга қаратилган аниқ чора-тадбирлар белгиланишига эришиш юзасидан кўрсатмалар берилди.

Мажлисида судларда жиноят, фуқаролик ва ҳўжалик ишлари кўрилишида прокурор ваколатини самарали таъминлаш орқали судлар томонидан қонуний ва адолатли қарорлар чиқарилишига кўмаклашиш лозимлиги кўрсатиб ўтилди.

Қадрларни танлаш, тайинлаш, тарбиялаш, шунингдек, уларнинг масъулияти ва шахсий жавобгарлигини кескин ошириш бўйича фаолиятни янада яхшилаш ҳақида қатъий талаблар қўйилди.

Бош прокурор томонидан вилоятлар, туманлар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар, тегишли тармоқ раҳбарлари, шунингдек, Бош прокуратура ҳузуридаги департамент ҳамда унинг ҳудудий бошқарма ва бўлимлари бошлиқлари олдида қонунлар ижроси устидан таъсирчан назоратни таъминлашда масъулиятни янада ошириш борасида қатор вазифалар қўйилди.

Ҳайъат мажлиси яқунларига кўра, прокуратура органилари томонидан қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунлар ижросини назорат қилиш фаолиятини янада яхшилашга қаратилган қарор қабул қилинди.

Вилоят прокуратураси органлари 2011 йил 2 мартда Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг Таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий муҳофаза, ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар комплексининг йиғилиши қарорлари билан тасдиқланган ақидапарастик ва миссионерликка қарши кураш, конфессиялар ва миллатлараро ҳамкорлик ҳамда бағрикенгликни таъминлаш бўйича Дастур ижроси юзасидан бир қатор ишлар амалга оширилди.

Ҳамкорликда фаолият юритилмоқда

Зафар РИЗАЕВ,

Навсий вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи вазифасини бажарувчи

Катта кўламдаги вазифаларни ўз ичига олган Дастур йўналишлари борасидаги ишларни амалга оширишда туман ва шаҳар ҳокимликлари, ички ишлар бўлими, прокуратура ҳамда тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари иштирокида "Туман(шаҳар)даги диний вазиятни янада соғломлаштириш юзасидан амалий чора-тадбирлар" мавзусида семинар-учрашувлар ташкил этилмоқда. Жумладан, 18 апрелда Зарафшон шаҳридаги "Геолог" маҳалла фуқаролар йиғинида шаҳар прокуратураси ҳамда тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари иштирокида "Шаҳардаги диний вазиятни янада соғломлаштириш юзасидан амалий чора-тадбирлар" мавзусида семинар-учрашув ўтказилди.

Кармана туман маданият саройида худди шу мавзуда бўлиб ўтган тадбирда 380 нафар фуқаро иштирок этди. Унда туман прокуратураси, туман ҳокимлиги, туман ИИБ, халқ таълими бўлими, "Маҳалла" жамғармаси ходимлари, жоме масжиднинг имом-хатиби қатнашдилар.

Конимех туманидаги "Наврўз" маҳалла фуқаролар йиғинида ушбу мавзуда ўтказилган семинар-учрашувда 120 нафар фуқаро иштирок этди. Тадбирда туман прокуратураси, туман ИИБ, давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари қатнашдилар. Бу каби тадбирлар Нурота, Томди, Учқудук, Навбахор туманларида ҳам ташкил этилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ёшлар ўртасида диний ақидапарастлик, экстремизм, терроризм, миссионерлик ва одам савдосининг олдини олиш ва ушбу жиноятларга қарши курашиш мавзуларида бир қатор семинар-учрашувлар, давра суҳбатлари ва бошқа тадбирлар ташкил этишга жиддий эътибор қаратиб келинмоқда. Жумладан, Хатирчи педагогика коллежиди, Хатирчи тиббиёт коллежиди, 7-сонли умумтаълим мактабиди, Навой педагогика коллежиди, Кармана саноат коллежиди, Кармана саноат ва хизмат кўрсатиш коллежиди, ушбу тумандаги 22-сонли умумтаълим мактабиди семинар-йиғилишлар, давра суҳбатлари бўлиб ўтди. Уларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар вакиллари билан биргаликда "Қамолот" ЁИҲ ва бошқа жамоат ташкилотлари вакиллари ҳам қатнашдилар. Тадбирларда кўргазмалар тарғибот воситаларидан ва видеороликлардан фойдаланилганлиги яхши самара берди.

Ушбу профилактика ва тушунтириш ишларини ташкил этишда вилоят прокуратураси органлари туман, шаҳар ҳокимликлари, бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, тадбиркорликка лицензия берувчи ташкилотлар билан ҳамкорликда кичик бизнес вакиллари ва ёш тадбиркорларнинг ақидапараст оқим тарафдорлари таъсирига тушиб қолганининг олдини олиш мақсадида мазкур тоифа вакиллари билан 15 та умумпрофилактик суҳбатлар ўтказилди. Жумладан, Хатирчи туман ҳокимлигида, Конимех туманидаги "Чордара", Кармана туманидаги "Янгиарик", Навойи шаҳрининг "Орзу", "Ватан", "Кимёгар", "Чинор", "Ишонч" маҳалла фуқаролар йиғинларида шундай тадбирлар ташкил этилди. Тадбирларда туман-шаҳар прокуратураси ходимлари, ҳокимият, Давлат солиқ инспекцияси, туман бандликка кўмаклашувчи марказ ва бошқа жамоатчилик вакиллари иштироки таъминланди. Шунингдек, Навойи шаҳридаги бир қатор касб-хунар коллежларида, Кизилтепа машиный касб-хунар коллежиди ҳам ёшлар билан умумпрофилактик суҳбатлар ўтказилди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, вилоят прокуратураси органлари аҳолини огоҳликка қорлашга қаратилган кичик ҳажмли видеороликлар яратиш ҳамда маҳаллий телеканалларда намойиш қилишни ташкил этиш, видеороликларни яратишда ижодий гуруҳларни зарур ҳужжатли материаллар билан таъминлаш ва уларга ўз вақтида амалий ёрдам кўрсатишда ҳам фаол иш олиб бори.

Учқудук ва Хатирчи туман прокуратуралари ташаббуси билан аҳолини огоҳликка қорлашга қаратилган кичик ҳажмли видеороликлар яратилган. Худди шундай 6 та видеоролик ва 8 та слайд корхона ва ташкилотлар, ўқув муассасалари ва маҳалла фуқаролар йиғинларида тарқатиб берилган. Вилоят прокуратураси ташаббуси билан худди шундай 2 та видеоролик яратилди. Улар вилоят ва "Фазо" телевидениелари орқали мунтазам намойиш қилиниб келинмоқда.

Мавзумиз юзасидан айтиш керакки, бу ишларда ҳеч қачон лоқайдликка берилиб бўлмайди. Бу ишларда бутун жамоатчилик, аҳолининг барча ижтимоий қатламлари иштирок этиши лозим. Тинчлик-оқошхоналик, барқарор иқтисодий ривожланиш ҳаммаимизнинг эзгу ниятимиз экан, ҳамкорликдаги фаолиятни янада кучайтиришимиз зарур.

Ҳимоясизларга

Келажақ авлодининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қонуналар ижросини таъминлаш, хусусан, Вазирилар Маҳкамасининг 2000 йил 21 сентябрдаги "Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш ҳақида"ги Қарориди кўзага тутилган мақсад ва вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш борасида Поп туман прокуратураси томонидан кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, асосий эътиборни тумандаги ногирон вояга етмаганларнинг ижтимоий ҳимоясига қаратган ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида"ги, "Фуқароларнинг соғлигини сақлаш тўғрисида"ги, "Таълим тўғрисида"ги, "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонуналар ижросини таъминлаш юзасидан қўллаб-қўллаб ишларга қўл урилди.

Маълумот учун айтиш мумкин, туманда 702 нафар ногирон вояга етмаганлар мавжуд. Шундан 577 нафари 16 ёшгача, 125 нафари эса 18 ёшгача бўлган ўсмирлардир.

Ўзбекистон Республикасининг "Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида"ги Қонунда "Давлат ижтимоий ҳимояга мухтож болаларни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган ҳимойлик дастурларини қонун ҳужжатлари мувофиқ рағбатлантириш" деб белгиланган бўлиб.

Шундан келиб чиқиб, туман прокуратураси ташаббуси билан вояга етмаган ногирон болаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларни ижтимоий муҳофаза қилиш ва ёрдам бериш мақсадида туман ҳокимиятининг Фармойиши қабул қилинган ҳамда "Соғлом авлод" хайрия жамғармаси қошида махсус хайрия ҳисоб рақами жорий этилди.

Ушбу ҳисоб рақамига ҳимойлик маблағларини жалб қилиш мақсадида кенг қамровли тар-

ғибот-ташвиқот ишлари олиб борилди. Хусусан, матбуотда эълон берилди. Туманнинг гавжум ва аҳоли тўпланадиган жойларида, тумандаги ташкилот, корхона ва муассасаларнинг маъмурий биноларида, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинларида махсус эълон стендлари осилди. Ушбу сазй-харажатлар натижаси ўларок, махсус хайрия ҳисоб рақамига тумандаги корхона, ташкилот, муассаса ва фуқаролардан ижтимоий равишда 1 млн. 720 минг сўм маблағ жалб этилди.

Мазкур маблағлар эвазига вояга етмаган, ногирон, алоҳида парваришга мухтож ўқувчиларнинг мактабларда яқна тартибда таълим олишига шарт-шароит яратиш, уларни ўз вақтида тиббий кўриқдан ўтказиш ва моддий ёрдам бериш ишларига йўналтирилди.

Туман прокуратураси томонидан ўтказилган текширишларда 9 нафар ногирон бола реабилитацияга мухтож бўла туриб, уларга кўмак берилмагани аниқланди ва уларнинг 6 нафарига 1 млн. 200 минг сўмлик ногиронлик аравачиси ҳамда 3 нафарига 520 минг сўмлик протез-ортопедия (эшитиш мосламаси) махсулотлари олиб берилди.

Бундан ташқари, туман прокуратураси биносидида вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича марказ ташкил этилди.

Марказда вояга етмаганларга доир норматив-ҳуқуқий ҳуж-

ҳимоя

Қобилжон АҲМАДЖОНОВ,
Поп туман прокурори
ёрдамчиси

жатлар базаси йиғилди. Туман Халқ таълими бўлими, касб-хунар коллежлари битирувчиларининг бандлигини таъминлаш, оналик ва болаликни, ногирон болаларни ижтимоий муҳофаза қилиш, таълим муассасаларида давоматни аниқлашга оид, шунингдек, вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, ўз жонига қасд ва суиқасд қилиш масалаларини қамраб олувчи блоклар ташкил этилиб, унда ҳар бир соҳага оид тўлиқ маълумотлар жамланди.

Шунингдек, марказ проектор билан жиҳозланиб, юқоридagi ҳолатларнинг олдини олиш бўйича амалга оширилаётган тадбирлардан фото ҳамда видеолавларга, роликлар намойиш этиш йўлга қўйилди.

Айтиш мумкинки, бутун вояга етмаганлар томонидан содир этилаётган ҳуқуқбузарликлар аксарият ҳолларда назоратсизлик, эътиборсизлик оқибатида келиб чиқмоқда. Шу боис, туман прокуратураси ташаббуси билан ўқувчиларнинг дарсдан ташқари бўш вақтлари мазмунли ўтишига қаратилган тадбирлар йўлга қўйилган. Масалан, тумандаги 9 та касб-хунар коллежи талаба-қизлари ўртасида спортнинг волейбол тури бўйича, ўғил болалар ўртасида мини-футбол бўйича мусобақалар ўтказилиб, ғолибларга қимматбахо совғалар тақдим этилди. Мазкур мусобақаларда минглаб талабалар иштирок этишди.

Мақсадиимиз ўғил-қизларимизнинг шодон ҳаётини таъминлаш, умрлари ўшқин ва мазмунли ўтишига эришиш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишдир.

Пул сўрайверди, хуллас...

Шарбат Абдуназарова "Олга" қишлоқ врачлик пунктида патронаж-акusherлик лавозимида анчадан бери ишлаб келарди. Иши ва маошинан кўнгли тўлмас, ахир у ярим ставка ишларди-да. Иш ҳақи ҳам шунга яраша.

Илхом НЕГМАТОВ,

СВОЖДЛҚК Департаментининг Самарқанд вилоят бошқармаси катта инспектори

Бир куни бирга ишлайдиган Гулнора опанинг нафақага қимқоқчилигини эшитиб қолди. Гулнора опанинг ўрнига ўтса, иши яхши бўлади, ойлиги ҳам ошади. Шу ҳаёл билан Шарбат қишлоқ врачлик пункти мудир Исроил Назаровга учрашди. Мақсадини тушунтирди.

Мудир бироз ўйланб:

— Кейинроқ учраш, ўйлаб кўрамиз, ҳали Гулнора опанинг нафақага қикишига анча бор. Қутиб тур, ўзим айтаман.

Орадан анча вақт ўтиб кетса ҳам мудирдан садо қилмади. Бир неча мурожаати ҳам натижа бермади. Қуттишдан тоқати тоқ бўлган Шарбат мудирни безовта қилмай қўйди.

Янги йил байрамига яқин И.Назаров ўзи Шарбатни йўқлаб қолди:

— Ўзинг яхши биласан, Гулнора опа ҳам нафақага қикиб кетди, — гапни узоқдан бошлади у.

— Ўрни бўш турибди. Шу жойни сенга мўлжаллаб турибман. Фақат шу...

— Хизмат бўлса айтаверинг.

— Ҳужжат масалалари учун катталар пул сўрашяпти.

— Қанча, кўп эмасми?

— Унчалик кўп эмас, атғи 400 минг сўм. Шунинг билан келган кўнинг бир ставка иш бераман.

Шарбат ўзида пул йўқлиги сабаб таниш-билишларидан 210 минг сўм тўплади ва мудирга берди.

— Қолгани қани? — сўради пулнинг чўғи камлигини кўриб И.Назаров.

— Қолганини иш бошлаганимдан кейин бераман, — чўрт кесди Шарбат.

Мудир "ҳа, майли" деганча Шарбатга ариза ёздириб олди. Орадан бир ойча ўтиб, мудир яна Шарбатни йўқлади:

— Туманга ҳисобот топширишга бормоқчиман, пулнинг қолганини бер.

Шарбат эллик минг атрофида пули борлигини айтган эди.

— Борича беравер, — дея ундан пулларни олган мудир туман марказига жўнади.

Январь ойининг охирида мудир яна Шарбатдан пул сўради:

— Уста ишлаётганда, шунга пул керак, тезроқ қолган пулни келтириб бер.

— Шароитим оғир, ҳозир..., — вазиятни тушунтирган бўлди ҳодима.

— Бўлмаса, усталарнинг овқат харажатларини кўтарасан, — буюрди мудир.

— Шароитим бўлганда, ўша пулларни келтирмасмидим, — деди Шарбат куйиниб.

— Майли, кўрамиз, қандай ишларкансан, ҳали иш давомида кўп хато қиласан, шунда ойлигингни кесиб ташлайман, — писанда қилди мудир.

Кейинчалик ҳам мудир бир неча марта қолган пулларни сўрашни унутмади.

Мудирнинг тамагирлигиндан тўйиб кетган Ш.Абдуназарова ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилди. Нафақа ҳақалак отган мудир ашёвий далил билан қўлга олинди.

Тамагир мудир суд ҳукми билан олти йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди. Ўз хатосини энди тушуниб етар.

Фуқаролар — мурожаатлари эътиборимизда

Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилингандан кейин ратификация қилинган биринчи халқаро ҳужжат "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси"дир. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки инсонни улуғлаш, унинг ҳоҳиш-ирода-сини кафолатлаш, орзу-умидларини рўёбга чиқаришни ўзининг бош мақсади қилиб белгиланган мустақил давлатимизнинг етакчи тамойилларини ана шу муҳим халқаро ҳужжатга мувофиқлаштириш назарда тутилган эди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясини тайёрлаш ва қабул қилишда ушбу умуминсоний олий қадрият асос қилиб олинди. Шунинг учун ҳам Конституциямиз халқро ҳам-жаҳмият томонидан умумбашарий, инсонпарварлик ва демократик мезонларга тўла жавоб берадиган ҳужжат сифатида айдиллик билан эътироф этилди.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялаш соҳасидаги 60 дан зиёд халқаро ҳужжатга имзо чеккан. Республикамиз мустақилликка эришганидан сўнг инсон ҳуқуқлари масалаларига оид 100 дан ортиқ қонун қабул қилинди. Шулардан бири "Фуқаролар мурожаатлари тўғрисида"ги Қонундир. Мурожаатларда асосан фуқароларнинг бузилган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини тиклаш тўғрисидаги талаблар баён этилади.

Шунингдек, фуқаролар давлат ва жаҳмият фаолиятини тақомиллаштиришга доир тавсиялар билан мурожаат қилишлари ҳам мумкин. Биз эса ўз ишимизни бу борада чиқарилган қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар асосида олиб бораёмиш. Вилоят прокуратураси органларига 2011 йилнинг 6 ойи давомида фуқаролардан 8131 та ариза ва шикоят келиб тушган. Уларнинг 4497 тасини дубликат аризалар ташкил этади. Шундан 1229 та ариза ва шикоят бевосита прокуратура органларида ҳал этилди.

Бу аризаларнинг 203 таси қаноатлантирилиб, 312 таси рад этилган. 714 та ариза ва шикоятнинг эгасига тушунтириш берилган, 271 та ариза тергов қилинаётган жиноят ишларига қўшилган ҳамда 6873 та мурожаат ҳал этиш учун муассасаларга юборилган.

2011 йилнинг 6 ойда ўтган йилнинг шу давридаги қараганда келиб тушган мурожаатларнинг 1844 тага ёки 29 фоизга ортиганлиги нимани аңлатади? Аввало, бу ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига фуқаролар ишончининг ортиганидан далолатдир. "Инсон кўнглидаги дардини дардақашига айтиди", дейди халқимиз. Фуқаро ҳуқуқ-тартибот идораларига мурожаат қилиш ҳатти эъзақан ёки ишонч телефонлари ракамларини терарқан, ўзининг бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари тезкорлик билан ҳимоя қилинишига ишонади.

Иккинчидан, бу меҳнат аҳлининг ҳуқуқий онги юксалиб, билим даражаси ошиб бораётганлигидан далолат беради.

Учинчидан, Юртбошимиз таъкидлаганларидек, инсон

ҳамма нарсага — очликка ҳам, муҳтожликка ҳам чидаши мумкин, лекин ноҳақликка чидамайди. Маҳаллий ҳокимият ва назорат идоралари ҳамда лицензия берувчи идоралар томонидан тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш фаолиятини ташкил этиш, қурилишга рухсат бериш, кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш, бинолар ижараси учун тўлов миқдорини белгилаш ва бошқа соҳаларда юз берган қонунбузилишлари, бюрократик тўсиқлар ҳамда сансалорликларга нисбатан энди фуқароларимиз бефарқ эмас.

Тўртинчидан, жойлардаги ҳокимликлар, мутасадди органлар ва масъул шахслар томонидан мурожаатлар қонунда кўрсатилган муддатларда кўриб чиқилмаслиги, шикоят ёки мурожаат эгаларига ўз вақтида тушунтириш бермаслик, уларни қабул қилмаслик ҳам фуқароларнинг прокуратура органларига мурожаат этишлари кўпайишига сабаб бўлмоқда.

"Ишонч телефонлари" фуқаролар учун қатта қулайлик туғдирмоқда. Улар "Ишонч телефонлари" орқали жойлардаги прокуратура органлари билан бемалол ва эркин муомала қилиб, ўзларини ташвишлантираётган муаммоларни баён этишмоқдалар ва ўз вақтида жавоб олмақдалар. Масалан, 2011 йил 2 май куни Чирочки туман прокуратурасининг "Ишонч телефони"га шу туманда яшовчи фуқаро Хусниддин Примов кўнжироқ қилиб, "Сифат" қурилиш фирмасида меҳнат қилаётган ишчилар, шу жумладан, ўзи ҳам иш ҳақини ололмаётганини билдирган. Унинг мурожаати туман прокуратураси томонидан ўз вақтида ўрганилиб, шикоят асосли эканлиги аниқланди ва Ҳ.Примовга ҳамда унинг ҳамкасбларига тегишли бўлган 2 млн. 250 минг сўм иш ҳақи зудлик билан ундириб берилди.

Ёки бўлмаса Косон туманининг "Сарикул" маҳалла фуқаролар йиғинидаги Р.Норкулов кўчаси 9-уйда яшовчи Шерали Саъдуллаев "Ишонч телефони" орқали мурожаат қилиб, "Хамкорбанк"нинг туман филиали биноси ёнидаги цемент сотиш шохобчасида юз бераётган ғайриқонуний ҳаракатлар тўғрисида етказган хабари асосида туман прокуратураси текширув ўтказиб, Ўткир Халимов деган шахснинг ҳеч қандай ҳужжатларсиз қонунчи равишда цемент маҳсулотини билан савдо қилаётгани аниқланди ва 152 минг сўмлик 1000 килограмм цемент ашёвий далил сифатида олиб қўйилиб, унга нисбатан жиноят иши кўзга-тилди.

Худди шунингдек, мазкур тумандаги "Гувалик" қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли

Гувалик қишлоғида яшовчи В.Бегматова туман прокуратураси "Ишонч телефони"га кўнжироқ қилиб, бола парварлиши учун тўланадиган нафақа пуллари ДТ "Халқ банки" Косон туман бўлими томонидан берилмаётганлигини билдиради. Косон туман прокуратураси В.Бегматованинг нафақа пулларини тўлиқ ундириб бериб, бўлимининг 3600/023-шохобчаси бухгалтер-назоратчиси У.Хонвелдиевга нисбатан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 61-моддаси 1-қисми билан маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш кўзга-тилди. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар натижалари нафақат аҳолининг турмуш тарзини яхшиланишида, қолаверса, мамлакат иқтисодиётининг тобора юксалиб боришида ҳам ақвол намоён бўлмоқда. Президентимиз томонидан жорий йилнинг "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" деб эълон қилиниши ҳам иқтисодиётимизнинг янада ривожланиши ва иш ўринларининг кўпайишига хизмат қилмоқда. Вилоят прокуратураси томонидан тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида қатор амалий ишлар қилинган.

Нишон туманида яшовчи фуқаро У.Бердиевнинг виллоят прокуратураси "Ишонч телефони"га кўнжироқ қилиб, ўзининг "Бекзод" хусусий фирмасига кредит ажратиш хусусидаги мурожаатини ТИФ "Миллий банки"нинг Янги Нишон филиали мансабдор шахслари эътиборга олмаётганлигини билдирган.

Нишон туман прокуратураси томонидан мазкур мурожаат ўрганиб чиқилиб, тадбиркорга кредит ажратилиши таъминланди ва юқорида қайд этилган банкнинг Нишон туман филиали бошқарувчиси ўринбосари Г.Кенжаев ҳамда кредит-иқтисод бўлими етакчи мутахассиси У.Рахмоновга нисбатан иттиҳомий жавобгарлик тўғрисида иш кўзга-тилди.

Такрор бўлса ҳам шуни таъкидлашни хоҳлардимки, фуқароларимиз нафақат ўз манфаатлари, балки жаҳмият манфаатлари учун ҳам астойдил қайғуриб, виллоят ва туман (шаҳар) прокуратураларига мурожаат этаётганликлари, халқ таъбири билан айтганда, "Ўзим чиққан тепа омон бўлсин" қабилида иш тутмаётганликлари қувонарли ҳолдир.

Ана шундай ният билан Касби туманининг Касби қишлоғида яшовчи фуқаро И.Муқимов виллоят прокуратурасининг "Ишонч телефони"га мурожаат қилиши натижа-сида туман ҳокимлиги, туман архитектура ва қурилиш бошқармаси мансабдор шахслари томонидан асоссиз равишда орқага суриб келинаётган "Эски Касби қулолла-

ри" мол бозори ишга туширилаётган бўлди. Бу ишни ҳал этмасдан оёқ тираб турган мансабдор шахслар терговга тортилди.

Шунингдек, Қарши шаҳар 6- ва Пахтазор миттутуманларида ҳамда Яқкабғо туманидаги Ибн Сино маҳалласида яшовчи фуқаролар ҳам ўзларини ташвишлантираётган муаммоларни "007" "Ишонч телефони" орқали ҳал қилишга эришдилар.

Президентимиз таъкидлаганларидек, прокуратура — қонунни, унинг талабларини қатъий ҳимоя қилувчи идора ҳисобланади. У ҳуқуқий ислохотларни ўтказишда, ҳуқуқий давлат, демократик жаҳмият қуриш ишида ҳал қилувчи ўрин тутди. Шу тўғрисида ҳам ҳуқуқ бузилган фуқаролар, улар қайси касб вақили бўлишларидан қатъий назар, прокуратурага мурожаат этадилар.

Масалан, фуқаро М.Каримова ва бошқа бир қатор фуқаролар Қарши шаҳридаги "Шайхали" хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатининг раҳбари Б.Тошев устидан шикоят қилганлар. Маълум бўлишича, Б.Тошев аҳолидан асоссиз равишда коммунал тўловлар йиғиб олган ва бошқа қонунбузилишларига ҳам йўл қўйган. Аҳолининг бу борадаги мурожаати Қарши шаҳар ҳокимлиги ва бошқа мутасадди идоралар томонидан афроғича ўрганиб чиқилмаган ва чора қўрилмаган.

Виллоят прокуратураси томонидан ушбу ариза юзасидан ўтказилган текширувда мазкур ширкат раҳбари (Б.Тошев) ўз мансаб вақолатини суиистеъмол қилган ҳолда, коммунал ва техник тўловлардан келиб тушган 7861,4 минг сўм маблагнинг 4893 минг сўмини ўзлаштириб, ўз шахсий манфаати учун ишлатиб юборганлиги аниқланди.

Шунингдек, мазкур мансабдор шахс "Шайхали" кўргони ҳудудида жойлашган қўп қаватли уйларни иссиқ сув билан таъминлайдиган 1824 метр, қиймати 8 млн. сўмлик қувурларнинг ҳамда 370 метр, қиймати 5 млн. 100 минг сўмлик чикинди сув қувурларини кесиб олиш йўли билан талон-торож қилган.

Ушбу ҳолат юзасидан виллоят прокуратураси томонидан Б.Тошев ва унинг бу ишдаги шерикларига нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 167-моддаси 3-қисми "а" банди ҳамда 205-моддаси 2-қисми "а" ва "в" бандлари билан жиноят иши кўзга-тилган.

Биргина ана шу мисолдан ҳам кўриниб турибдики, фуқароларимиз давлат ва жамоат мулкига нисбатан бефарқ эмас. Такрор бўлса ҳам айтиш лозимки, одамларнинг ҳуқуқий билим ва тушунарлиги ошиб, виждон, бурч, инсоф, дийнат деган қадимий қадриятлар тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Лекин айрим ман-

Худойкул ТУРДИБОВЕВ,
Қашқадарё виллоят прокурори

сабдор шахсларнинг қилаётган ишлари халқ ибораси билан айтганда, "атторнинг қутисида турмайди". Уларнинг нафс йўлидаги кирдикорларини кўриб, беихтиёр ёқа ушлайсан киши.

Улар болаларнинг ҳақиқа кўз олайтириш гуноҳ ва жиноят эканлигини, бундай жиноятни болажон халқимиз кечирмаслигини ҳам билишади. Ахир ҳаммамиз, энг аввало, болаларимиз учун яшапмизку, боласиз бу дунёнинг қимга қизиги бор. "Болали уй бозор, боласиз уй мазор" дейди халқимиз. Юртбошимизнинг ёш авлод қамолоти йўлида қанчалар жон куйдираётгани ҳаммамиз ва ҳар биримиз учун ўрнат бўлмоғи керак. Афсуски, нафси ҳақалак отган айрим кимсалар болалар ризқини "туя" қилишдан ҳам тоймайдилар. Худди шундай ҳолат тўғрисида бир мисол келтираман.

"Халқ банки"нинг Шахрисабз туман бўлими раҳбарлари шаҳарнинг Пиллакашлик маҳалласида яшовчи икки ёшгача болалари бўлган оилаларга 2010 йилда жами бўлиб берилиши керак бўлган 7 млн. 655 минг сўмни қалбаки тўлов ведомостлари орқали чиқим қилиб, ҳужжатларга оналар номидан қалбаки имзолар чекиб, юқорида кўрсатилган миқдордаги пулни ўзлаштириб юборганлар.

Шу боис виллоят прокуратураси томонидан "Халқ банки" Шахрисабз туман бўлими масъул мансабдор шахсларига нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 167-моддаси 2-қисм "а", "б" ва "г" бандлари, 208-моддаси ва 209-моддаси 1-қисми билан жиноят иши кўзга-тилди, дастлабки тергов ҳаракатлари ташкиллаштирилган.

Инсоннинг ақли, тафаккури воситасида маънавияти шаклланади. Ўз навбатида маънавият уни юксаликка кўтарди. Қонун эса буларнинг барчасини ёт тасвирлардан ҳимоя қилади.

Мухтарам Президентимизнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарини ўқиган ва уққан ҳар бир киши, хусусан, раҳбар ходимларимиз, мутасаддилар маънавият таъминловчи тўғрисида бекиёс кенг тушуноча оладилар ва қонунларимизга бўлган ҳурматлари ҳам ошади. Зеро, қонунларимизга ҳурмат, маънавият ва масъулият хисси фуқароларнинг аризалари, шикоятлари ҳамда мурожаатлари билан ишлаш ва уларга ҳозиржавоблик кўрсатишда жамиятга муҳим аҳамиятга эгадир. Қонун устуворлигига асосланган қучли давлатдан қучли фуқаролик жамияти сари борар эканмиз, буни ҳоқ мансабдор, ҳоқ оддий фуқаро бўлсин, асло ёддан чиқармаслигимиз керак.

Қонунийлик йўлида

[Давоми. Бошланиши 1-бетда]

Вилоят ҳудудида жойлашган қорхона ва ташкилотларнинг муддати ўтган дебитор қарздорлиги 2011 йил 1 июль ҳолатига 45,2 млрд. сўмни, муддати ўтган кредитор қарздорлиги 78,3 млрд. сўмни ташкил этди.

Муддати ўтган дебитор қарздорлигининг 803,2 млрд. сўмининг тўлови Ҳукумат томонидан кечиктирилган. Муддати ўтган қарздорлиқнинг салмоқли қисми Чирчиқ, Олмалик, Ангрен, Бекобод шаҳарлари, Қибрай, Юкори Чирчиқ туманлари ҳиссасига тўғри келса, Пискент, Зангиота ва Куйи Чирчиқ туманларида муддати ўтган қарздорлиқлар бартаараф қилинди.

Коммунал тўловлардан қарздорлиқни бартаараф қилиш ва истеъмолчиларнинг масъулиятини ошириш борасида ўтказилган назорат тадбирлари натижасида вилоят бўйича коммунал тўловлардан муддати ўтган қарздорлик 14,6 млрд. сўмни ташкил қилди.

Вилоят бўйича муддати ўтган дебитор қарздорлиқни ундириш бўйича 35,3 млрд. сўмлик 18452 та даъво аризалари киритилиб, шундан 20,6 млрд. сўмлик 1255 та даъво аризалари вилоят прокуратураси органлари томонидан киритилган.

Вилоят бўйича муддати ўтган кредитор қарздорлиқни ундириш бўйича 174,2 млрд. сўмлик 12933 та даъво аризалари киритилиб, шундан 10,6 млрд. сўмлик 1255 та даъво аризалари вилоят прокуратураси органлари томонидан киритилган.

Тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан Республика Президентининг Фармонлари, Ҳукумат қарорлари ижросини таъминлаш борасида ўтказилган назорат тадбирлари давомида 31 та протест келтирилиб, қонунбузилиши ҳолатларини бартаараф қилиш тўғрисида 36 та тақдирнома киритилган. 56 нафар шахс интизомий ва маъмурий жавобгарликка тортилиб, жиддий қонунбузилиши ҳолатлари юзасидан 7 та жиноят иши қўзғатилди.

Вилоят прокуратураси органлари ташаббуси билан қишлоқларда 2011 йилнинг ўтган даврида 1145 та тадбиркорлик субъектлари ташкил этилиб, уларда 2367 та янги иш ўринлари яратилиши таъминланди. Маҳаллий ҳокимликларнинг тадбиркорлик субъектлари фаолияти билан боғлиқ 7 та қонуний норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига протест келтирилиб, бекор қилиниши таъминланди.

Вилоятдаги ҳўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳўжалик фаолияти тегишли маълумотлар асосида таҳлил қилиниб, мазкур йўналишда 2011 йилнинг ўтган даврида 9 та иқтисодий ночор ва 5 та зарар қўриб ишлаётган қорхоналарнинг ўз ички имкониятлари ҳисобига олиб борилган молиявий соғломлаштириш чора-тадбирлари натижасида ахвол барқарорлаштирилди.

Қишлоқ ҳўжалиги соҳасидаги қонунлар ижроси устидан назорат фаолиятида олиб борилган амалий ишлар натижасида галла тайёрлаш ҳамда давлатга топшириш шартномавий режалари ортиги билан уудаланди. Шу билан бирга, соҳада аниқланаётган қонунбузилишларга кескин муносабат билдириб келинди.

Жорий йилнинг ўтган даврида 2010 йилда ҳосилдорлиги паст бўлган ерларда давлат эҳтиёжлари учун пахта хомашаси етиштирган фермер ҳўжалиқларини молиявий қўллаб-қувватлаш учун ажратилган бюджет маблағлари ажратилишининг қонунийлиги вилоят прокуратураси томонидан Бекобод ва Бўка туманлари махсус комиссияларида ўрганилганда, Бўкада 14,6 млн. сўмлик, Бекободда 84,9 млн. сўмлик маблағлар ажратилиш эҳтиёжи бўлмаган фермер ҳўжалиқларига ноконуний равишда ажратилиб, бюджет маблағлари растрата йўли билан талон-торож қилинганлиги аниқланди. Ҳар иккала туман комиссияси мансабдор шахсларига нисбатан вилоят прокуратураси томонидан жиноят иши қўзғатилган.

Вилоят прокуратураси томонидан вилоят МТП бирлашмаси тизимидаги ўрим қомбайнларининг сақланиши ва ишлатилишига доир меъёрий ҳўжатлар ижроси Юкори Чирчиқ, Куйи Чирчиқ ва Пискент туман МТПлари томонидан қўрсатилган хизматлар учун тўловлар бартер шаклида амалга оширилганлиги натижасида давлат манфаатларига Куйи Чирчиқ туманида 6716,4 минг сўм, Пискент туманида 10456,0 минг сўм, Юкори Чирчиқ туманида 15650,0 минг сўм зарар етказилганлиги ҳолати аниқланди, ҳар учала МТП раҳбарларига нисбатан жиноят ишлари қўзғатилган.

Мазкур соҳада ўтказилган 144 та текшириш натижалари бўйича 11113 та прокурор назорати ҳўжатлари қўлланилди. 2331 нафар шахс интизомий, маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилди. Жиддий қонунбузилиши ҳолатлари юзасидан 78 та жиноят ишлари қўзғатилди. Айбдорлардан 17,2 млн. сўм иштиёрий ундирилиб, 66,0 млрд. сўмни ундириш ҳақида судларга 1192 та даъво аризалари киритилди.

Солиққа оид қонунчилик ижросини таъминлаш борасида СВОЖДЛҚК Департаментининг вилоят бошқармаси ҳамда Давлат солиқ бошқармаси органлари фаолияти устидан назорат қўйилди. Солиқ тўловчиларнинг ҳўқуқ ва қонуний манфаатлари таъминланишига алоҳида эътибор қаратилиб, аниқланган қонунбузилишларга қатъий муносабат билдириб келинди.

Мазкур масалада ўтказилган 166 та текширувлар натижасига қўра 529 та прокурор назорати ҳўжатлари қўлланилди. 160 нафар шахс интизомий жавобгарликка тортилиб, жиддий қонунбузилиши ҳолатлари юзасидан 9 та жиноят ишлари қўзғатилди. 6,7 млн. сўмни ундириш ҳақида судларга 45 та даъво аризалари киритилди. Шунингдек, жиноятчиликка қарши кураш, унинг олдини олиш борасидаги фаолият мувофиқлаштирилиб, ҳўқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўртасида ўзаро ҳамкорлик таъминланганлиги натижасида умумий жиноятчилик олдинги йилга нисбатан 0,5 фоизга камайди.

Дастлабки тергов ва суриштирув фаолияти устидан назорат олиб боришда асосий эътибор, ушбу жараённинг тўлиқ, ҳолисона ва сифатли ўтказилиши, жиноятлар оқибатида етказилган моддий зарарнинг терговда қопланishiга қаратилди.

Жиноятлар натижасида етказилган 11,3 млрд. сўмлик зарардан 10,9 млрд. сўми ёки 98,9 фоизи дастлабки терговда қопланди.

ИИБ тергов бўйича тамомланган ва судга юборилган жиноят ишлари ҳам 3 тага қўлайди, жиноятлар натижасида етказилган моддий зарарнинг 86,2 фоизи дастлабки терговда қопланди.

Шу билан бирга, жиноят, фуқаролик ва ҳўжалик ишлари судловининг барча босқичларида прокурор ваколатини таъминлаш орқали фуқаролар, юридик шахслар ва ҳўжалик юритувчи субъектларнинг ҳўқуқлари ҳамда қонуний ман-

фаатларининг ҳимоясига доимий эътибор қаратилди.

Ўтган йил мобайнида судларда жиноят ишлари қўрилишида прокурор иштироки 100 фоизга таъминланиб, апелляция протести келтириш самарадорлиги 98,8 фоизни, кассация протести самарадорлиги 100 фоизни ташкил этиб, назорат тартибидоғисининг 84,2 фоизи прокурор протестлари асосида қонунга мувофиқлаштирилди.

Вилоятдаги туманлараро фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан қўрилган 22321 та ишларнинг 85,1 фоизда, прокурор иштироки мажбурий бўлган тоифадаги 2191 та ишларда прокурор ваколати таъминланди.

Апелляция ва кассация самарадорлиги 100 фоизни ташкил этди, назорат тартибидо 50 фоизи протестлар асосида амалга оширилди.

Фуқаролик ҳўқуқий воситалардан фойдаланган ҳолда 13,0 млрд. сўмга киритилган 3112 та даъво аризаларининг 10,5 млрд. сўмлиги қаноатлантирилди.

Апелляция протести келтириш самарадорлиги 89,2 фоиздан 98,3 фоизга, кассация протести самарадорлиги 70,2 фоиздан 74,3 фоизга яхшиланди.

Суд қарорларини ижро этишда ва қамқоққа олинганларни сақлашда қонунларга риоя этилиши устидан тегишли тадбирлар амалга оширилгани натижасида ижро ҳўжатлари бўйича 186,6 млрд. сўмлик ижро ҳўжатларининг 119,4 млрд. сўми ёки 62,4 фоизи ижро қилинди.

Мазкур соҳада ўтказилган 224 та текширув якунига қўра, 209 та прокурор назорати ҳўжатлари қўлланилиб, жиддий қонунбузилиши ҳолатлари юзасидан 166 та жиноят иши қўзғатилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 200-сонли қарори ижросини таъминлаш юзасидан муайян ишлар амалга оширилиб, 2011 йил 1 июль ҳолатига давлат эғалигига ўтказилган ва сотилмаган товар-моддий бойликларнинг қолдими 1,8 млрд. сўмни ташкил этди.

Шунингдек, фуқароларнинг муурожаатлари ҳамда қабулига жиддий эътибор қаратилмоқда. Жумладан, жами келиб тушган 5804 та муурожаатдан 2713 таси бевосита прокурор-тергов ҳодимлар томонидан ҳал этилиб, 310 таси қаноатлантирилди ва бу билан фуқаролар ҳамда юридик шахсларнинг бузилган ҳўқуқлари тикланди.

Вилоят прокуратураси органлари ҳодимлари томонидан 6368 нафар фуқаро қабул қилинди, шундан 4654 нафари шахсан прокурорлар ва уларнинг ўринбосарлари қабулида бўлди.

Қонунда белгилангандан ортиқ муддатда ҳал қилинган шикоятлар бўлмади. Вилоят прокуратураси органларида кадрларни танлаш, уларни ўз жойига қўйиш, тарбиялаш ва касб-малакасини оширишга жиддий эътибор қаратиб келинди.

Шу билан бирга, иш фаолиятида йўл қўйган ҳато ва камчиликлар учун 3 нафар прокурор-тергов ҳодимлар интизомий жавобгарликка тортилган.


Вилоят прокуратураси ҳайъатининг 2011 йил 20 июль кунги кенгайтирилган мажлисида вилоят прокуратураси органларининг вилоятда қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳўқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, жиноятчилик ҳамда ҳўқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида 2011 йилнинг 1-ярми мобайнидаги фаолияти якунига ва келгусидаги вазифалар муҳофиза қилиниши ҳамда ҳато ва камчиликларни бартаараф этишининг зарурий чора-тадбирлари белгиланди.



Тошкент вилояти

Тошкент вилояти 1938 йилда ташкил этилган. Ҳудуди 15,26 минг кв.км.

Вилоятда 4 та шаҳар, 14 та туман ва туман ҳудудидаги 10 та шаҳар, 97 та шаҳар қўргони ва 146 та қишлоқ фуқаролар йиғинлари мавжуд бўлиб, 2610,9 минг киши истиқомат қилади. Вилоятда 2 та олий ўқув юрти ҳамда 1 та институт филиали, 119 та касб-ҳўнар коллежлари, 6 та академик лицейлар, 891 та мактаб ва 459 та мактабгача таълим муассасалари мавжуд.

Вилоят ҳудудида 80 та касалхона, 323 та амбулатория-поликлиника муассасалари, 259 та қишлоқ врачлик пунктлари, 20 та ДСЭН марказлари ҳамда 20 та саломатлик марказлари фаолият юритиб келмоқда.





Доминий назоратда

Тошкент вилоят прокуратураси органлари томонидан пул муомаласини тақомиллаштириш, нақд пулни банкларга жалб қилиш ва унга бўлган эҳтиёжни қондириш борасидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати кучайтирилиб, бу борада муайян ишлар амалга оширилди. Ушбу йўналиш бўйича ўтказилган текширишларда банк муассасаларига нақд пул топширмай, қирим ҳужжатларисиз ноқонуний равишда савдо фаолияти билан шугullanувчи 358 нафар ҳўжалик юритувчи субъектлар аниқланиб, уларга 1048,4 млн. сўм молиявий жарима қўлланилди.

Шунингдек, нақд пул маблағларининг банк муассасаларига топширилишини таъминлаш мақсадида 13380 маълумот хронометражлар ўтказилиб, 6,8 млрд. сўм нақд пул маблағларининг банк муассасаларига топширилиши таъминланган.

Ўтказилган 78 та қисқа муддатли текширишлар натижасида қўра аниқланган жиддий қонунбузилиши ҳолатлари юзасидан 54 та жиноят иши қўзғатилди.

Айрим ҳолатларда нақд пул тушуми режаси мунтазам равишда баҳарилмаётганлиги эътиборга олиниб, вилоят прокуратураси томонидан туман ва шаҳар ҳокимликлари пул-кредит сўйсати комиссияларининг бу борадаги фаолияти ўрганиб чиқилди. Ҳамда аниқланган қонунбузилиши ҳолатлари бўйича тегишли прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди. Жумладан, Ўрта Чирчиқ туман ҳокимлиги пул-кредит сўйсати комиссиясида Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 августдаги "Пул маблағларининг банктан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида" - ги 280-сонли ва 2001 йил 22 июндаги "Нақд пул муомаласини мустаҳкамлаш ва тижорат банклари-нинг масъулиятини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" - ги 264-сонли қарорлари ижроси ўрганилганда, комиссия аъзолари ва ушбу соҳа бўйича масъул бўлган мутасадди идоралар раҳбарлари томонидан нақд пул тушуми режасини белгилашда нақд пул топширувчи ҳўжалик юритувчи субъектлар имконияти ўрганилмаганлиги ва тахлил қилинмаганлиги, комиссия қарорларининг ижроси таъминланмаганлиги маълум бўлди.

Бундан ташқари, туман ҳудудида 28 нафар шахс тегишли тартибда туман солиқ инспекция-сидан рўйхатдан ўтмасдан ҳамда инкассация хиз-

мати билан шартнома тузмасдан тадбиркорлик фаолияти билан ноқонуний шугулланиб келаётганлиги аниқланиб, Ўрта Чирчиқ туман ҳокими-нинг иқтисодиёт ва ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари, туман пул-кредит сўйсати комиссияси раиси У.Сўнобоев ва Ўрта Чирчиқ туман Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи М.Седировларга нисбатан интизомий жавобгар-лик тўғрисида иш қўзғатилди.

Шунингдек, ДТ "Халқ банки"нинг Паркент филиали бошқарувчиси М.Жўраев, мазкур банкнинг Ўрта Чирчиқ филиали бошқарувчиси Р.Зиятди-нова, Қўйи Чирчиқ филиали бошқарувчиси Н.Аб-босов, АТ "Агробанк"нинг Паркент филиали бош-қарувчиси М.Йўлдошев, ушбу банкнинг Бўха фи-лиали бошқарувчиси Ж.Қосимов, АТ "Ипотека банк"нинг Чирчиқ филиали бошқарувчиси Ф.Тўйчиев, Охангарон филиали бошқарувчиси У.Хатамов, ТИФ "Миллий банки"нинг Чирчиқ фи-лиали бошқарувчиси З.Обламурадоев, АТ "Сав-догарбанк"нинг Ғазалкент филиали бошқарувчи-си А.Абдурахимовлар томонидан 2011 йил апрель ва май ойлари учун бюджетдан молиялаштирил-ган иш ҳақи, пенсия ва нафақа пулларининг тўла-ниши асосида равишда қечиктирилганлиги аниқ-ланиб, уларга нисбатан Ўзбекистон Республика-си Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексин-нинг тегишли моддалари билан маъмурий жа-вобгарлик тўғрисида иш қўзғатилди.

Тегишли тартибда давлат рўйхатидан ўтмас-дан, ноқонуний равишда тадбиркорлик фаолияти билан шугулланаётган фуқаролар билан олиб би-рилган тушунтириш ишлари натижасида улардан 192 нафари белгиланган тартибда давлат рўйха-тидан ўтказилиб, инкассация хизмати билан шарт-номалар туздирилиши таъминланди.

Вилоят прокуратураси органлари томонидан мазкур масалада ўтказилган назорат тадбирлари натижаларига қўра аниқланган қонунбузилиши ҳолатларини бартараф этиш тўғрисида 64 та тақ-димнома киритилиб, 2021 нафар мансабдор шахс қонунбузилишига йўл қўймаслик ҳусусида огоҳлан-тирилди. 121 нафари интизомий, 31 нафари маъ-мурий жавобгарликка тортилиб, 6,8 млн. сўмлик етказилган моддий зарарни ундириш юзасидан 16 та даъво аризалари киритилди. Жиддий қонун-бузилиши ҳолати юзасидан 7 та жиноят иши қўзғатилди.

Эркин ҲОСИЛОВ,

Тошкент вилоят прокурорининг
катта ёрдамчиси

Ҳуқуқбузарликлар камаймоқда

Мамлакатимизда болаларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъмин-лаш, вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг ола-нин олиш тизимини мустаҳкамлаш, ота-оналарнинг ўсиб кела-ётган авлод учун масъулиятини ошириш борасида қўйлаёт-ган чора-тадбирлар алоҳида эътиборга сазовордир.

Тошкент вилоят прокуратураси органлари томонидан 2011 йилнинг 1-ярмида вилоятда вояга етма-ганларнинг ҳуқуқ ва эркинликла-рини ҳимоя қилиш, бу борада-ги қонунчиликни мустаҳкамлаш, улар орасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчилик юз беришининг олдини олишга қаратилган қонунлар ижроси устидан про-курорлик назорати самарадор-лигини ошириш борасида Ўз-бекистон Республикаси Бош про-курорининг буйруқ ва қўсма-малари асосида муайян ишлар амалга оширилди.

Жумладан, вояга етмаганлар-нинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш-га қаратилган қонунлар ижроси-ни таъминлаш юзасидан 180 та текшириш ўтказилиб, аниқлан-ган қонунбузилиши ҳолатлари-ни бартараф қилиш мақсадида 576 та тақдимнома киритилди. Мансабдор шахсларнинг 1585 нафари интизомий, 667 нафа-ри маъмурий, 374 нафари эса моддий жавобгарликка тортил-

ди. 1749 нафар мансабдор шахс қонунбузилишга йўл қўймаслик ҳусусида огоҳлантирилди. 319 та ноқонуний ҳужжатлар протест киритиш йўли билан қонунга му-вофиқлаштирилди, қўпол қонун-бузилиши ҳолатлари юзасидан 49 та жиноят ишлари қўзғати-либ, айбдор шахсларнинг қонун олдидаги жавобгарлиги таъ-минланди.

Вояга етмаганлар ҳамда дав-лат манфаатларига етказилган 22 854 минг сўмлик зарарлар-нинг ихтиёрий ундирилиши таъ-минланди, 26 477 минг сўмни ундириш юзасидан судларга даъво аризалари киритилди.

Вилоят прокуратурасининг ташаббуси билан вилоят ҳоким-лиги ҳузуридаги вояга етмаган-лар ишлари бўйича комиссия-си, "Қамолот" ЕИХ, ИИБ, меҳ-нат ва аҳолини ижтимоий муҳо-фаза қилиш бошқармаси ҳам-корлигида Тошкент вилоятида 2011 йилнинг 1-ярмида вояга е-тмаганлар ва ёшлар ўртасида қаровсизлик ва назоратсизлик,

ҳуқуқбузарлик, жиноятчилик, ги-ёҳвандлик, ОИТС, терроризм, диний экстремизм каби салбий иллатларнинг олдини олиш бо-расида амалга оширилмайдиган чора-тадбирлар қўйма дастури-да белгиланган тадбирлар амал-га ошириб келинмоқда.

Шунингдек, Янгйўл шаҳри-даги вояга етмаганларга ижти-моий ҳуқуқий ёрдам қўрсатиш маркази фаолияти устидан до-имий назорат ўрнатилган бўлиб, назоратсиз қолганлиги учун марказга бир неча марта келти-рилган болаларнинг қаровсиз қолишлари сабаблари ўрганиб чиқилиб, келажада уларнинг дайдиллик билан шугулланишлар-ига ва назоратсиз қолишлари-га йўл қўймаслик мақсадида те-гишли чора-тадбирлар белги-ланди. Жорий йилнинг ўтган даврида вояга етмаганларга ижтимоий ҳуқуқий ёрдам қўрса-тиш марказига 246 нафар бола олиб келинган.

Ўтган давр ичида вилоят, ту-ман, шаҳар прокуратураси хо-димлари томонидан вояга етма-ганларнинг яшаш, ишлаш ва ўқиш жойларида 104 та ҳуқуқ-тартибот тадбирлари амалга оширилган бўлиб, ушбу тадбирлар натижа-сида вилоят бўйича 2011 йил 6 ойда ўтган йилнинг шу даврига нисбатан вояга етмаганлар томо-нидан содир этилган жиноятлар-нинг сезиларли даражада кама-йишига эришилди.

Бугунги кунда мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш, тадбиркорларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш ҳамда бу йўна-лишда қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалда-ги ўрни ва тўлиқ ижро этилиши янада масъулиятли бўлиш ҳар би-римизнинг зиммаларига доғдир вазифа бўлиб қолмоқда.



Истиқлол шарофати

Дадажон МИРХАЛИКОВ,
Ангрен шаҳар прокурори

2011 йилнинг "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" деб эълон қилинганлиги муносабати билан тадбиркорлик фа-олиятини ҳимоя қилишда тўб бурилиш ясалди. Бу билан та-ракқиётимизга янада кенг йўл очилди. Шунингдек, тадбиркор-лик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича қонунчиликни мустаҳ-камлаш, солиқ юқини ва давлатнинг иқтисодиётдаги иштиро-кини изчил қамайтириш, бозор инфратузилмасини шаклланти-риш, уларнинг фаолиятига асоссиз аралашувларни қамай-тириш, турли хилдаги руҳсатнома ҳамда ҳисобот турларини қамайтириш юзасидан қабул қилинган қатор қонунлар, Прези-дент Фармонлари ва Ҳукумат қарорларига қатъий амал қили-ниши натижасида тадбиркорлик соҳасида қўлай ишчанлик му-ҳити яратилди.

Хусусан, 2011 йил учун истеъмол товарлари ишлаб чи-қарувчи қорхоналарни кредитлаш мақсадида "Ўзсаноатқурилиш-банк" Ангрен филиали томонидан миқдорларга 149 млн. сўм кредит маблағлари ажратилган бўлса, "Ипотека банк" АТИБ Ангрен филиали томонидан 600 млн. сўм кредит маблағлари ажратилиши режалаштирилган бўлиб, ҳозирги кунда 400,1 млн. сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилиб, битта миқдорга 50 млн. сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилиши лойи-ҳаси қўриб чиқилмоқда. Шунингдек, ТИФ "Миллий банки" Ангрен филиали томонидан 76 млн. сўм кредит лойиҳаси мо-лиялаштирилиб, ДТ "Халқ банки" Ангрен филиали томонидан 93 млн. сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилди.

Бундан ташқари, оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувват-лаш мақсадида "Ипотека банк" АТИБ Ангрен филиали томо-нидан 821 млн. сўм миқдорида кредит маблағлари ажратил-ди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини ривож-лантириш мақсадида айланма маблағларни тўлдириш учун "Ўзсаноатқурилиш банк" Ангрен филиали томонидан 179,2 млн. сўм, "Ипотека банк" Ангрен филиали томонидан 1056,5 млн. сўм кредит маблағлари ажратилган ҳамда ТИФ "Миллий бан-ки" Ангрен филиали томонидан 280 млн. сўм кредит маблағ-лари ажратилиши режалаштирилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2011 йил 9 февралдаги "Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижроси устидан прокурор назоратини кучайтириш тўғрисида" - ги 87-сонли буйруғида қўрсатилган назорат тадбирлари белгиланган муддатларда ўтқа-зилиб, бунда асосий эътибор шаҳар ҳокимлиги ва назорат те-куширв идоралари томонидан қабул қилинаётган ҳуқуқий ҳў-жатларга, айниқса, тадбиркорликнинг иқтисодий эркинлигини чеклаш билан боғлиқ ҳўжатларга қаратилмоқда.

Жорий йилнинг ўтган даврида тадбиркорларга ҳуқуқий ёрдам сифатида Ангрен шаҳар прокурори ҳамда прокуратура хо-димлари томонидан тадбиркорлар ўртасида 6 та учрашувлар ўтқа-зилди. Учрашувларда иштирок этган 422 нафар тадбиркорнинг 24 нафарига ҳуқуқий маслаҳатлар берилди. 3 нафарига 30,0 млн. сўм миқдорида кредит ажратилиб, 6 нафарининг руҳсат-нома бериш ёки бошқа ҳўжатларни расмийлаштириш маса-лалари ҳал қилинди.

Тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралашуш, уларнинг фаолиятини ташкил этишдаги сарсонгарчилик, тамағирчилик ва шу каби қонунбузилиши ҳолатларини аниқлаш мақсадида ша-ҳар прокуратураси қошида "Ишонч телефони" ташкил қилин-ган бўлиб, у орқали билдирилган мурожаат ва муаммоларнинг тезкорлик билан ҳал этилиши таъминланиб келинмоқда.

Хусусан, 2011 йилнинг 15 февралда шаҳар прокуратураси-нинг "Ишонч телефони"га "Хурийд телеком" хусусий фирмаси раҳбари А.Исмаиловнинг қўнғироқ қилиб, АТИБ "Ипотека банк" Ангрен филиалига 2011 йил 25 январь кунини савдо тер-минали ажратиш учун ариза билан мурожаат қилганлигини, аммо мурожаат қўнғироқга терминал ажратилмаганлигини бил-дирган. Шаҳар прокуратурасининг аралашуви билан хусусий фирмага савдо терминалининг ўрнатилиши таъминланди.

Шунингдек, "Ишонч телефони"га қўнғироқ қилган "Рухона Муниса" хусусий қорхонаси раҳбари Н.Нидеёв АТИБ "Ипоте-ка банк" Ангрен филиали томонидан ҳисоб рақамидида пул маблағларини қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари учун нақд пул шаклида ололмаётганлигини маълум қилган. Прокуратуранинг аралашуви билан бу муаммо ҳам тезда ҳал этилди.

Тан олиш керак, буларнинг барчаси Ўртабўшимиз томо-нидан белгиланган мамлакатимиз иқтисодиётини эркинлашти-риш ҳамда кичик бизнес субъектларига берилаётган қўлай-ликлар қўламини тобора кенгайтириш каби аниқ мақсадли устувор йўналишлар тўғрисида амалга оширилаётганлиги ало-ҳида таъкидлаш жоиз.

Шаҳар прокуратураси томонидан бу борада ўтказилган на-зорат тадбирлари натижасига қўра, қонунбузилиши ҳолатла-рини бартараф этиш тўғрисида 3 та тақдимнома киритилган. 3 нафар шахс интизомий жавобгарликка тортилиб, 2 нафар тадбиркорнинг ҳуқуқий тикланди. Шунингдек, тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида шаҳар ДСИнинг тадбир-корлик субъектларига нисбатан нотўғри қўлланилган 4 та мо-лиявий санкция қўллаш ҳақидаги қарорларига протестлар ки-ритилиб, қонунга мувофиқлаштирилди.

2011 йил — Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили

Тараққиётнинг ишончли йўли

Республикада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга эътибор кучайтирилган бежиз эмас. Чунки тадбиркорлик фаолияти аҳоли фаровонлиги ва даромадларини оширишнинг ва тараққиётга эришишнинг ишончли йўли эканлиги амакқон ҳаётда ўз исботини топган.

О.МЕЛИБОВ,
Қўрғонтепа туман прокурори

лиги А.Турсунов масъул мансабдор шахс бўлгани ҳолда ўз хизмат вазифалари юзасидан бажариши шарт бўлган ҳаракатларни қасддан бажармасдан, тадбиркорларнинг мурожаатларини қонуний ҳал қилишнинг сансалорликка солиб келган.

Шунингдек, ушбу бўлимга мурожаат қилган тадбиркорлар О.Атаханов, Д.Абдурайимов, М.Мамаரசулов, А.Избоев, К.Собирова, С.Болтабоев, Ш.Хасанов, Б.Абдурахмонов, Б.Атаева, А.Қамчиев, Р.Атаев, А.Турдиев, В.Ҳайитбоев ва Х.Артиковаларнинг аризаларини 90 кун давомида асосиз равишда қўрмасдан қолдириб, уларнинг мурожаатларига ёзма равишда жавоб бермаган. Тадбиркорлар мурожаатларини текшириш якунига кўра 120 нафар тадбиркорлик ишини очмоқчи бўлган фуқароларнинг мурожаатлари ўз вақтида ҳал этилмаганлиги оқибатида уларнинг қонун билан қўриқланган манфаатларига жиддий зиён етказилганлиги аниқланди.

Ўзбекистон Республикасининг "Фуқаролар мурожаатлари тўғрисида" ги Қонуни талабларини қўпол равишда бузиб келган туман архитектура ва қурилиш бўлими бошлиги А.Турсуновга нисбатан ЖКнинг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилиб, судга юборилди.

Туман прокуратураси томонидан жорий йилнинг 6 ойи мобайнида тадбиркорлар билан 18 мартаба учрашув ўтказилиб, уларга тегишли тушуниришлар берилиб, тадбиркорлик ишини очмоқчи бўлган фуқароларга амалий ёрдамлар кўрсатилди. Жумладан, ишчи ўринлар яратиш ҳамда тадбиркорлик ишини очиб борадида иссиқхоналар фаолиятини йўлга қўйиш, ер ажратиш, кредитлар олишда амалий ёрдамлар кўрсатилди.

Маълумки, Қўрғонтепа тумани Қирғизистон Республикасининг ўш ҳамда Жалолобод вилоятлари билан чегарадош бўлиб, туман прокуратураси томонидан айрим шахсларнинг ноқонуний товар моддий бойликларни олиб кириш ҳамда чегара қоидаларини бузиш каби ҳолатларнинг олдини олиш, бундай фаолиятга чек қўйиш мақсадида чегараолди ҳудудларида яшовчи фуқаролар қондонларида ҳам тадбиркорлик ишини очиб борадида кўмаклашилди.

Тумандаги Султонобод, Бирлашган ҳамда Савай қишлоқларида прокуратура аралашуви ва ёрдами асосида иссиқхоналар фаолиятини йўлга қўйиш мақсадида 0,65 га. ер

ажратилиб, 11 та иссиқхонани қурилишида амалий ёрдам кўрсатилди. Иссиқхона ташкил қилиш учун фуқаро С.Тошхўжаева 2 млн. сўм миқдоридан имтиёзли кредит олиб берилди.

Жорий йилнинг 18 апрелида Қўрғонтепа туман прокуратураси ташаббуси билан ташкил этилган учрашувда Андижон вилояти Марказий Банк бошқарувчиси томонидан Қўрғонтепа туманида фаолият юритиб келаётган 30 нафар тадбиркорга 592 млн. 550 минг сўмлик имтиёзли кредит сертификатлари топширилди.

Қўрғонтепа туман прокуратурасининг ташаббуси билан ноқонуний равишда рўйхатдан ўтмасдан аҳолига пуллик хизмат кўрсатиб келаётган шахсий автомобил эгаларидан 123 нафари "Қўрғонтепа Донс" ҳамда "Файз инвест ривож" тадбиркорлик субъектларига ҳайдовчи сифатида аъзоликка қабул қилиниб, тегишли рухсатномалар ҳамда меҳнат дафтарчалари билан расмийлаштиришга эришилди. Натижада, ушбу ҳайдовчилар томонидан бир кунлик ўртача нақд пул тушуми 14 млн. 760 минг сўмни ташкил этиб, 1 ойда 442 млн. 432 минг сўм нақд пул тушумига эришилди.

Бу тадбир эса тумандаги нақд пул тушуми тақчиллиги масаласининг ҳал этилишида ҳам ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш идоралари билан ҳамкорликда тумандаги Савай, Дардод, Чимён, Корасув шаҳарлари маҳаллаларида сартаврохона, қасбобхона, новвойхона, пойафзал ташмирлаш ва автомобилларга техник хизмат кўрсатиш устaxonалари ташкил этилиб, янги ишчи ўринлари яратилди.

Фуқаро Н.Турдиев томонидан Қўрғонтепа шаҳрида ўзбошимчилик билан эгалаб олинган 2 га. ер туман ҳокимлиги тасаруфига ўтказилиб, 2500 ўринли замонавий буюм бозори қуриди, 2700 нафар фуқаро иш билан таъминланди.

Бош прокурорнинг 2011 йил 9 мартдаги 87-сонли "Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижроси устидан прокурор назоратини қучайтириш тўғрисида" ги буйруғи ижроси асосида Қўрғонтепа туман ҳокимлигининг қарорлари мунтазам равишда ўрганиб боришда, 23 та қарорга протест қилиниб, қонунга мувофиқлаштирилди.

Туман прокуратураси томонидан тадбиркорларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида солиқ ставкалари, имтиёзлари, тегишли тартибда рўйхатдан ўтиш ва ҳисоботларнинг солиқ идораларига топширишда амалий ва ҳуқуқий ёрдам сифатида кўмак бўлиш учун "Тадбиркорга қўлланма" китобчаси чоп этилиб, туманимиз тадбиркорларига тарқатилди.

Андижон вилоят прокурори томонидан Қўрғонтепа туман прокуратурасининг "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастури ижроси бўйича амалга оширган ишлари ижобий баҳолалиб, шаҳар ва туман прокуратураларига "йўналтирувчи хат" юборилган.

Туманимизда прокуратура органлари томонидан олиб борилаётган ушбу чора-тадбирлар тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда муҳим ўрин тутиши шубҳасиз.

Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида гап кетганда, энг аввало бу соҳадаги қонунарга тўхталиб ўтишни зарур деб ҳисоблаймиз. Зеро, мамлакатимизда табиатни муҳофаза қилишга оид қонунлар мажмуаси яратилган бўлиб, улар табиат ва атроф-муҳитни ҳимоя қилиш борасида ҳаққимизга хизмат қилиб келмоқда.



Табиат – бизнинг бойлигимиз

Мухторжон ШОДМОНОВ,
Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим прокурори

Бугунги авлод иқболи ва эртанги кун вазибаларидан келиб чиққан ҳолда, 1992 йилнинг 9 декабрь кунини Ўзбекистон Республикасининг "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида" ги Қонуни қабул қилинган эди. Шу йиллар давомида ушбу қонун тўлақонли ўзининг қучини ва аҳамиятини кўрсатиб келмоқда. Шуниси яна муҳимки, Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелдаги Ер кодекси билан нафақат ер участкаларининг ажратилиши, балки ерларни муҳофаза қилиш қоидалари мустақамлаб қўйилган эди.

Сув муаммоси бутун инсониятни ташвишга солиб турган бир пайтда, Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 6 майдаги "Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида" ги Қонуни мамлакатимизда шу соҳадаги муносабатларни тартибга сола бошлади.

Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 27 декабрдаги "Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида" ги Қонуни билан тегишли идораларнинг вазифалари белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 26 декабрдаги "Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида" ги Қонуни бу йўналишда катта аҳамият касб этувчи меъёрий ҳужжат ҳисобланади. Шунга қарамай, айрим қорхона, ташкилот ва муассасалар ҳамда мансабдор шахслар томонидан юқоридаги қонунларни менсимаслик, уларнинг талабларини бажармаслик ҳолатларига йўл қўйилиб келинмоқда.

Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг маълумотларига кўра, жорий йилнинг 6 ойида қўмита мутахассислари томонидан ўтказилган 81 та текшириш натижаларига кўра жами 676 нафар шахс маъмурий жавобгарликка тортилган. Уларга 37,0 млн. сўмлик жарима солинган. Ўсимлик дунёсига етказилган 14,3 млн. сўмлик моддий зарар даъво аризаси асосида ундирилган. Шу жумладан, атмосфера ҳавоси флосланшининг олдини олиш бўйича жами 1957 та автотранспорт воситалари текширилган, уларнинг 179 тасида зарарли моддалар белгиланган меъёрдан ортиқлиги аниқланиб, тегишли чоралар қўрилган.

Прокуратура органлари томонидан текширишларни тўғри режалаштириш, текшириш объектларини тўғри танлаш муҳимдир. Бу соҳада, албатта, табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси мутахассисларини жалб қилиш талаб этилади.

Худудда сув ҳавзаларининг тозаллиги, атмосфера ҳавосининг мусаффолиги, ўсимлик дунёсининг муҳофазаси тўғрисида аниқ маълумотларга эга бўлиш текшириш объектини тўғри танлашга хизмат қилади.


Тошкент шаҳар прокуратураси томонидан ўтказилган текширишда Ўзбекистон Республикасининг "Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида" ги Қонуни талабларига кўра табиий муҳитни тиклаш, табиий заҳираларни қайта ҳосил қилиш ва зарарли таъсир кўрсатувчи оқибатларни бартараф этиш чоралари қўрилмаганлиги натижасида "Анхор" бўйидаги заранг дарахтлари касалланганлиги аниқланган. Натижада буйича тегишли прокурор назорати чоралари қўрилди.

Шаҳар прокуратураси томонидан ер ресурсларидан фойдаланиш аҳоли текширилганида, "Ханиф-Шадамин" МЧЖ мансабдор шахслари томонидан лицензия олмасдан ер қазирдан фойдаланиб, йилига 400 минг тонна гишт ишлаб чиқаришда туپроқдан ҳомаше сифатида фойдаланиб келишганлиги аниқланган. Ушбу ҳолат бўйича ЖКнинг 190-моддаси 2-қисми 6-банди билан жиноят иши қўзғатилиб, дастлабки тергов ҳаракатлари олиб боришмоқда.

Юнусобод туман прокуратураси томонидан Ўзбекистон Республикасининг "Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида" ги Қонуни ижроси юзасидан ўтказилган текширишда аниқланишича, "Алмас сервис" хусусий ўй-жой мулкдорлари ширкати мансабдор шахслари қонун талабларини бузиш, 2 та чинор ва 1 та терак дарактининг ноқонуний равишда кесилишига йўл қўйишган. Натижалари бўйича туман прокуратураси томонидан ЖКнинг 198-моддаси 2-қисми билан жиноят иши қўзғатилиб, туман ИИБга топширилган ва ҳозирда дастлабки тергов ҳаракатлари олиб боришмоқда.

Юнусобод тумани, 4-мавзе, 22-уйда яшовчи аҳолининг "Энергоресурс" МЧЖ томонидан ноқонуний автоулов тўхташ жойи қурилатганлиги ва рухсатсиз дарахтлар кесилганлиги ҳақидаги аризаси табиатни муҳофаза қилиш ва архитектура органлари мутахассислари иштирокида қўриб чиқилди ва унда келтирилган вазлар қисман ўз тасдиқини топди. Натижалари бўйича тегишли прокурор назорати чоралари қўрилди.

Юқорида келтирилган рақамлар ва мисоллардан кўриниб турибдики, айрим мансабдор шахслар табиатни асраб-авайлаш борасидаги ўзларининг вазибаларини талаб даражасида бажармаяптилар. Бу ишда доимий равишда кенг жамоатчилик билан ошқора иш олиб бориш қўтилган натижаларни бериши мумкин.



Мустақиллик ҳуқуқ демакдир

Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги муносиб кутиб олинаётган айни кунларда "Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан!", деган ғоя ўртага ташланар экан, ана шу эзгу ғоя атрофида юртошларимиз ҳамжиҳатлик ва яқинлигини намойён қилган кувонарларидир.

Халқимиз тарихнинг қисқа фурсатларида даврнинг мураккаб синовларидан муваффақиятли ўтиб, ўз олий мақсади сари дадил интиломда. Шу кунларда Ватанимиз мустақиллигини нишонлаш арафасида турибмиз. Ана шу йигирма йиллик мустақил тараққиёт йўли Ўзбекистон учун давлат ва жамият қурилиши, иқтисодиёт, ижтимоий ҳаёт ва маънавият, суд-ҳуқуқ тизими, ташқи сиёсат ва хавфсизлики таъминлаш борасида ривожланиш ва юксалиш, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаш дари бўлди.

Бу аввало нималарда кўрилади? Ўзбекистонда тарихан қисқа вақт ичида тўб демократик ислохотлар ўтказилди — совет давридаги эски маъмурий-буйруқбозлик тизими-га барҳам берилди, миллий давлатчиликни шакллантиришнинг пухта ҳуқуқий асослари яратилди, давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти тармоқлари ташкил этилди, ижтимоий ва фуқаролик институтлари фаолияти йўлга қўйилди, иқтисодиётни эркин бозор муносабатларига ўтказиш жараёни амалга оширилди, республикамиз ҳалқаро ҳуқуқнинг тенг ҳуқуқли субъектига айланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ташаббуси ва раҳнамолигида истиқлолнинг илк кунларида-ноқ демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва адолатли фуқаролик жамиятини шаклланти-

риш стратегик вазифа этиб белгиланди. Эркин ҳаёт оstonасида турган халқимиз инсон ҳуқуқлари ва давлат суверенитети, демократия ва ижтимоий адолат ғояларига содиқлигини тантанали равишда эълон қилди. Шунинг ҳам айтиш ўринлики, Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари соҳасида қўшилган 70 га яқин халқаро ҳужжатларнинг қондалари Конституциямиз ва миллий қонунчилигимиз нормаларида ўз аксини топан.

Истиқлол йилларида Юртбошимиз раҳнамолигида эришган барча ютуқларимиз, йилдан-йилга мустақиллигимизнинг мустаҳкамланиши аввало юртимизда инсон ва унинг манфаатлари устувор этиб белгилангани билан боғлиқ, десак янглишмаймиз. Асосий Қонунимизда қайд этилганидек, Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадри-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади.

Инсон озод бўлиб туғилади ва у эркин яшаш, табиий ҳамда қонуний ҳуқуқларидан дахлсиз фойдаланишга ҳақли. Бунда юрт, Ватан озодлиги талаб этилади. Зеро, инсон озодлиги аввало Ватан озодлиги ва мустақиллиги билан боғлиқдир.

Юртбошимиз томонидан айна топиб айтилган бир иб-



ра бор: "Мустақиллик ҳуқуқ демакдир". Дарҳақиқат, эрк ва озодлик билан ҳақ-ҳуқуқ ўртасида узвий боғлиқлик бор. Зеро, ҳақ-ҳуқуқни таниган, билган одам ўз фикри, дунёқараши ва тафаккурига эга бўлади. Шу маънода, Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин ўзига хос бўлган тараққиёт йўлини, яъни бозор иқтисодиёти принципларига асосланган инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлини белгилаб олди. Биз шунчаки демократик жамият эмас, демократик одил жамият қурмоқчимиз. Ҳаётиямизнинг барча соҳаларини адолат ва ҳақиқат ғояси қамраб олмади шарт.

Бундан йигирма йил аввалги даврдан бугунги замондошларимизнинг ўй-тафаккури ва дунёқараши кескин фарқ қилади. Президентимиз таъбири билан айтганда, "...бугунги кунда одамларимиз, уларнинг ижтимоий онги, ҳаётга муносабати тобора ўзгармоқда, ватандошларимизнинг сиёсий етуқлиги, юртимизда ва дунёда юз берётган воқеа-ҳодисаларга нисбатан фуқаролик масъулияти, дахлдорлик ҳисси ошиб

бормоқда. Ва айнан шуларнинг барчаси мамлакатимизнинг тараққиёт ва фаровонлик йўлидан изчил ривожланиб боришини, янги марраларни қўлга киритишимизни таъминлаётган қудратли ҳаракатлантирувчи куч бўлиб хизмат қилмоқда".

Бугун халқимиз боболаримиздан мерос қолган муқаддас юртимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ўзгаришлар, бекиёс имкониятлар билан ҳар қанча фахрланса арзийди. Буларнинг бари — мустақиллик берган улугъ неъматдир.

20 йил ичида ёш давлатимиз сиёсий соҳада, давлат ва жамият қурилиши, иқтисодиёт ва маънавият, ижтимоий ҳаёт, суд-ҳуқуқ тизими, ташқи сиёсат ва хавфсизлики таъминлаш борасида ҳар томонлама ривожланиб ва юксалиб, жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнини эгаллади. Бугунги кунда мамлакатимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти сингари тузилмалар доирасида жаҳон ҳамжамияти иқтисодий

ва маданий ҳамкорликни амалга ошириб келмоқда.

Демократик янгилинишлар ва мамлакатни модернизация қилиш даврида иқтисодиётимизни барқарор ривожлантиришга, сиёсий ҳаётиямизни, қонунчилик, суд-ҳуқуқ тизими ва ижтимоий-гуманитар соҳаларни изчил ислоҳ қилишни таъминлашга кучли эътибор қаратилгани, ислохотлар изчил давом эттирилаётгани, жаҳон молиявий инқирози оқибатларига қарамай, мамлакатимиз иқтисодиётининг ўсиш суръатлари, аҳолининг ҳаёт ва фаровонлик даражаси барқарор сақланиб қолаётгани, юртимизда қабул қилинган муҳим ижтимоий дастурларнинг, жумладан, "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастурининг амалдаги самараси десак хато бўлмайди.

Эришган ва эришилган ютуқларда шубҳасиз, сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий ислохотлар муҳим ўрин тутди, шу билан бирга, олиб борилаётган тўб ислохотлар замирида юксак маънавий мезонлар ҳал қилувчи омил бўлди. Бу жараён "Ислохот ислохот учун эмас, инсон учун, унинг ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлаш учун", деган ҳаётий тамойилда амалда ўз ифодасини топди.

Юртимизнинг яна йигирма йил ўтгандан кейинги қиёфасини, халқаро ҳамжамиятда тутган ўрнини тасаввур этар эканмиз, "Ўзбекистон келажаги буюк давлат" деган ғоянинг нақадар улғуворлигини теран ҳис этамиз.

Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёт йўли

Бугунги Ўзбекистонимизнинг қадимий негизни ҳисобланмиш кўна Туркистоннинг кейинги бир ярим минг йиллик тарихига назар солсак, у ўз истиқлоли учун доимо мардонавор тарзда курашиб келган.

Истиқлол — халқимизнинг азалий ва асрий орзу-интилиши ва ягона мақсади бўлган. 20-асрдаги яқин тарихимизнинг ўзи бунинг яққол тасдиқлайди. Чунинчи, чин маънодаги ҳуррият умидида қуйиб-ёниб яшаган ижод аҳли, олим-орифлар, фозилу-зукколар, қолаверса, минглаб юртошларимиз ўз инсоний эзгу мақсадлари, юрт озодлиги учун эл дароҳи яшаганликлари учун қатагон этилиб, истибод қўрбони бўлишар, шаҳид кетдилар.

Мустақиллик халқимизнинг асрий орзуи эди, бу орзу 1991 йил 31 август кунини рўёбга чиқди. Мустақил Ўзбекистон давлатининг барпо этилиши эса халқимизнинг тарихий ютуғига айланди.

"Биз учун Мустақиллик — энг аввало, ўз тақдиримизни қўлимизга олиш, ўзлигимизни англаш, азиз Ватанимизда адолат, инсоф, дину дённат, меҳроқибатни қарор топтиришдир!" деб тушунтирган эди Президентимиз Ислам Каримов. Айнан Мустақиллик туфайли биз дунёни ҳар соҳада янгича нигоҳ ва янгича тафаккур билан қўриб, идрок этдик. Шунинг баробарида жаҳон ҳамжамияти ҳам Ўзбекистонни бор бўйича қўриб, янгитдан таниди.

Мустақиллигимизнинг 20 йиллигини нишонлаш арафасида турибмиз. Аслида инсоният юксалиши йиллар саногли билан эмас, балки амалга оширилган эзгу ишлар салмоғи билан белгиланади. Шу жиҳатдан ҳам мамлакатимиз дунё саҳнида ўз нуфузи ва

ўрнини ҳавас қилгулик даражада эгаллаб улгурганлиги бугунги сиёсатшунослар, қолаверса, кенг жамоатчилик вакиллари томонидан тан олинаётганлиги қувонарли ҳол, албатта. Ўзбекистон мустақиллигининг илк даврида-ноқ дунё сари дадил қадам ташлади. Жаҳон ҳамжамияти ҳам Ўзбекистонимизни тан олди. Биз бунини 1992 йил 2 март кунини Ўзбекистон Республикаси ўз тарихида илк бор халқаро ҳамжамиятнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти аъзолигига қабул қилинишида кўрдик. 1993 йил сентябрда эса, БМТнинг 48-сессиясида Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов иштирок этиб, маъруза қилганлиги мамлакатимизни мустақил давлат сифатида дунёга танитди.

Айни чоғда "Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиш" жараёни эса "Ўзбекистоннинг буюк келажаги сари" дадил амалий одимидир. Биз бу жиҳатни аниққса, мамлакатимизнинг иқтисодий, яратувчанлик са-

лоҳияларида янада яққол кўришимиз мумкин. Шунинг баробарида мазкур салоҳиятлар асосида барпо этилган иншоотларни, халқимиз турмуш даражасини ошириш йўлида амалга оширилаётган ислохотларни мисол қилиб келтиришимиз мумкин.

Шу ўринда 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, унинг таъсири ва салбий оқибатлари вақтида ҳам Ўзбекистонда молиявий-иқтисодий танглик деярли сезилмаганлигини таъкидлаб ўтиш зарур. Чунинчи, 2008 йилда Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулот 9 фоизга, саноат 12,7 фоизга, қурилиш 8,8 фоизга, савдо 7,2 фоизга, қишлоқ хўжалиги 4,5 фоизга ўсди. Ўртача иш ҳақи 1,5 баробар, аҳоли реал даромади 23 фоизга ошди. Глобал молиявий-иқтисодий инқироз даврида ҳам мамлакатимизда 1 млрд. 700 млн. АҚШ доллари миқдоридидаги хорижий инвестициялар ўзлаштирилди. Бу 2007 йилдаги ҳисобатдан 46 фоизга кўп эканлиги Президентимиз Ислам Каримовнинг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шaroитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" рисола-сида ҳам таъкидланган.

Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон қисқа давр — 20 йил давомида дунёнинг ҳар жиҳатдан етук давлатлари қаторидан муносиб ўрин олиб улгурди.

Ҳ. БАҚОЕВ,
36-сонли ЖИЭМ туркум бошлиғи

Мамлакатимиздаги юксалиш тамойилини янада мустаҳкамлаш борасида изчил изланишлар, устувор вазибалар аниқ белгилаб қўйилган. Айниқса, 2010 йил ноябрь ойида Президентимиз Ислам Каримовнинг ташаббуси билан тайёрланиб, эълон қилинган "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" Ўзбекистон интилаётган буюк келажақ ва нузли истиқлол йўлини яна бир қарра тўлатуқсиз акс эттириб берди. Шунинг баробарида 2011 йил Ўзбекистонда "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" деб эълон қилиниб, тегишли Давлат дастурининг ишлаб чиқиши эса "Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари" дадил одимланаётганлигини тўлиқ намойён этиб турибди.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, қадимдан бой тарихга эга мамлакатимиз ўзининг навқирон 20 йиллик мустақиллик даврида қайтадан кашф этилди ва бу тарихий кашфиётнинг асосини Юртбошимиз Ислам Каримов раҳнамолигида давлатимиз йил сайин ўзгача бир диловар кўриниш касб этиб бормоқда.

Ўтаётган кунлар бизни мамлакатимиз ҳаётидаги буюк тарихий сана — Истиқлолнинг 20 йиллик тантаналари сари тобора яқинлаштирмоқда. Ўтган йигирма йиллик тарихан қисқа давр мобайнида юртимизда, ҳалқимизнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий ҳаётида оламшумул ўзгаришлар рўй берди. Энг муҳими, давлатимиз жаҳон ҳамжамиятида тенглар ичра тенг бўлиб, ўз ўрни ва нуфузига эга бўлиб ва бу нуфуз тобора юксалиб бормоқда.

Бирлашган миллатлар ташкилоти ва турли нуфузли халқаро ташкилотлар қароргоҳларида, мамлакатимизнинг хорижий давлатлардаги элчихоналарида юртимиз байроғи ҳилпираб турибди. Жаҳон миқёсидаги халқаро мусобақаларда, танловларда голиблик шохсупасига кўтарилган ҳамюртларимиз шарафига давлат мадҳиямиз янграмоқда.

Бу барчамизга, ўзини шу юрт фарзанди, деб билган ҳар бир ҳамюртларимизга фахр ва ифтихор бағишлайди.

Қароғида қўрқув қотиб қолган, таҳликада овоз чиқаришга даҳди сиймаган болаларни, "мина йўқмикан!?" деган хавотирда қадам босишга қўрқиб, уйига биқинган, дарвоза тақиллашадан хавотирда жони бўғизга тикилган кишиларни, бирор юмуш билан остана хатлаган жигари омон қайтармакан, деган изтиробли беҳоловатликни, зўрлик, ифлослик қурбонига айланаётган қиз-жувонларни тасаввур қилганмизми? Уруш, террор нафаси келадиган бу манзарадан. Худонинг ўзи асрасин!

Бошқа юртларда дам-бадам содир бўлаётган ана шундай оғир вазиятларни кузатиб туриб, беихтиёр тинчлигимизга шукрона келтирасан киши. Куёш порлаб турган мусаффо осмонимизга, ҳар тарафдан баралла янграб турган тўйларнинг сас-



садосига, ўз юмушлари билан беҳавотир олиб-югурган замондошларимизга, тўкин-сочин бозорларга, кун сайин чирой очиб бораётган шаҳарларимизга тўйиб-тўйиб боқасан.

Айтишларича, Мусо пайгамбар ўз қавмини Миср фиръавнлари асоратидан озод қилиб, уларни бир неча ойда бошдан-оёқ яёв кезиб чиқиш мумкин бўлган саҳрода қирқ йил давомида саргاردон олиб юрган. Нега қирқ йил? Нега улар бир жойда қўним топиб, ўша ерни Ватан қилмадилар?

Мусо пайгамбарнинг муроди куллик зулмидан диллари қўрқув, жаҳолатга тўлган авлодларнинг дунёдан кўз юмиб, машум истибодот оғусини ичмаган озод инсонлар тўғилиши билан боғлиқ эди. Фақат шундай янги, ҳур, эътиқоди пок авлод таваллуд тоғанидан сўнггина тўхтаб, ўз қавмига юрт берган экан. Нақадар таъсирирол воқеа!

Юнон адиби Лукианда эса шундай сатрлар бор: "Менинг бу гапларим гоят эски гаплардир. Лекин, ҳақиқат шундаки, ўз ота-

сини севмаган фарзанд ўзганинг отасини ҳам ҳурмат қила олмайди, ўз Ватанини севмаган киши ўзгалар Ватанини ҳам қадрлай билмайди". Икки минг йилдан ортиқроқ вақт ўтган бўлса-да, адиб ўчун эски бўлиб туюлган бу гаплар замонавий жаранглапти.

Ватан останодан бошланади, демишлар. Мен бу туйғунни қалбимиздан, вужудимиздан бошланади, деган бўлардим. Чиндан ҳам, ўз қалб қўргонини, ўзлигини ҳимоя қила олмай, ёлгон алдовларга унган кимсалар қандай қилиб муқаддас оstonасини ҳимоя қилсин? Террор ана шундай маънавий қашшоқ, қалб қўргони юпун, манкурт кимсалар юрагиди уриб, қўпаймаётганими?

Террор — французча сўз бўлиб, одамларни ўлдириш, жамиятда қўруқчи ҳаракатларни амалга оширишни англатади. Демакки, ундан омонлик кутishi хайф.

Ўзбекистон — тинчлик ва барқарорлик йўлини танлаган давлат. Унинг ишонса эрийдиган, таянса бўладиган ҳамкорлари,

шериклари бор. Лекин бу лоқайдлик ва ҳушёрликни унутиш керак, дегани эмас.

Дўсти кўпга ҳасад кўзалар кўпроқ тикилади, дейишади. Ҳасад бор жойда эса, гараз бўлади. Ҳар қандай ички низо, ҳатто атайин уюштирилган жанжал ҳам гаразга хизмат қилади. Буни биз юртимизда содир этилган террористик актлар мисолида кўрдик. Фарзчилар анчагача ногора қоқишди. Улар чиқарган жанжал учқуни Ўзбекистон миқёсида аланга олмгани учун, ёшларимиз ортларидан эргашмагани учун, эргаштира олмаганлари учун ҳалигача ўзларини кўйгани жой топа олмайпдилар. Яна жанжал чиқармакан, деб хомтама юрганлар ҳам йўқ эмас. Тинч аҳолини бир-бирига гиж-гижлаб, нифок солаётганлар ҳам, сохта алдовлар билан дилбандларимизни йўлдан тойдираётганлар ҳам улар эмасми? Аслида ҳаммаси халқни олатасир ҳаётга даъват этувчи шайтон васвасасига ўхшайди. Афтидан, ёвузлик билан эзгулик ўртасидаги кураш шу пайтгача бўлганидек, бундан кейин ҳам давом этадиган кўринади. Агар шайтон васвасасига ўчмасак, сўзсиз, эзгулик тарафига бўламиз. Эзгулик сабаб қанчадан-қанча буюк ишлар рўёбга чиқганини унутиб бўладими? Бугун юртимиз ушбу йўлни танлаган экан, демак, ҳушёрлигимиз ва оғоҳлигимиз эзгуликка қўлган улушимиздир.

Ҳар қандай жиноят ақлнинг ноқислигидан келиб чиқади. Бу айти ҳақиқат. Ақли расо, қалб қўзи очик, теран фикрли киши ҳеч қачон бундай тубан ишга қўл урғиза ботина олмайди. Демак, террорга қарши курашишни сўқир кўзаларни очиндан, халқ маънавиятини бойитишдан бошлаш лозим. Юртбошимизнинг маънавий етук, маънан баркамол авлодни камол топ-

Нилуфар НИЁЗОВА,
«Huquq»

тиришга астойдил бел боғлагани ҳам бежиз эмас.

Мамлакатимизда мустақилликнинг фараҳбахш насими эса бошлангандан буён ақл бовар қилмайдиган улкан ўзгаришлар рўй берди. Бунёдкорлик сира тўхтагани йўқ. Буларнинг барчаси юртимизда олиб борилаётган изчил сиёсатнинг, тинчлик ва оқсоқилликнинг айна пайтда кишиларимиз онги ва тафаккурдаги ижобий ўзгаришлар шарафатидир, десак муболага бўлмас.

Дунёнинг қайсидир давлати иқтисодий инкироздан азият чекиб, айюҳаннос солаётган кунларда ҳар бир қишлоғимиз, шаҳримизда осмонпўра бинолар қад ростламоқда. Юртдошларимиз дошқозонларда юртга ош бериб, тўю тантанадан боши чиқмаяпти. Ёрдамга муқтожлар ҳукуматимиз эътиборида, кескаларимиз эъзосда. Ўз имкониятидан келиб чиқиб, атрофдагиларга хайру эҳсон улашаётганлар қанча! Агар таҳликали кунлар бошимизга соя солса, бу каби эзгу амаллар ҳақида ўйлашга фурсат топармидик? "Ўзингга шукр! Тинчлик, хотир-жамлигингга шукр!", деган жумлалар билан бошланажак дуоларимиз элга тўқинлик, тўйлар-у байрамлар соғинади!

Халқимиз саховатли экани, демак, тинчлик ва оқсоқилликка муштоқмиз. Шундай экан, ўзаро бирдамлик, оқсоқилликни сақлаш ўз қўлимизда эканини унутмаслигимиз даркор. Зеро, авлодларимизга ҳам оқсоқиллик заминини мерос қолдирайлик. Шундагина улар эзгу амалларимиздан фахрланиб, қўқси осмон бўлиб ғайида. Ахир ўқимиз буюк-буюк аждодларимиз билан фахрланмаймизми?!

Ишонч панд бермасин

Инсон ҳаётида болаликнинг гашти ўзгача. Айнан бола дунёга ўзгача кўз билан боқади. Эртасини даярли ўйламайди. Уйлашнинг кераги ҳам йўқ. Ахир нима-ки хоҳласа шу заҳоти мўжайё бўлса... Шу билан бирга, бировга ҳеч қачон ёмонликни раво кўрмайилган ҳам бола ҳисобланади. Унинг мурғак қалбида ҳали ёмонликнинг қуртаклари ниш урмаган бўлиб, яхши-ю ёмоннинг фарқига етиб бормайди. Ким нима деса, ишониб кетаверади. Шунинг учун алагани бола яхши дейишди. Гоҳида содда одамларга болаларча беозор, ишонувчан дея таъриф берамиз Афсуски, сўнгги пайтда айнан ишонувчанлик туфайли боши берк кўчаларга кириб қолаётганлар ҳақида тез-тез эшитишга тўғри келмоқда. Бу ерда гап фирибгарларнинг тузюғига иллингилар ҳақида эмас, сўнгги йилларда пайдо бўлган одам савдоси номи иллат ҳақида...

Тарихдан маълумки, қадимда бир давлат иқкинчисини босиб олгандан кейин, меҳнатга лаёқатли аҳолини қул қилиб сотган. Энди бўлса, тарих чархпалаги "айланиб", бизнинг даврга ўша, узок ўтмишни эслатувчи "қуллар савдоси"нинг янги ҳақида, одам савдоси кириб келди. Одам савдосининг илгарисидан фарқи шундаки, бу иллат замонавий тус олиб, ноқонуний қулол ҳамда гиёвандлик воситаларини сотиш каби жиноят турлари билан рақобатлашмоқда. Бугун одам савдосининг турли кўринишларидан қайсидир даражада жабр кўрмаган мамлакатни топиш даярли мумкин бўлмай қолди. Бу эса, ушбу глобал муаммони имкон қадар тезроқ бартараф этиш, унга қарши курашишда халқаро миқёсда таъсир чораларини қўйиш, ўзаро ҳамкорлик ўрнатишни тақозо этмоқда.

Таъкидлаш жоизки, бу борада анча-мунча ишлар амалга оширилди. Масалан 2008 йилнинг февраль ойида Австрия пойтахти Вена шаҳрида бўлиб ўтган одам савдосига қарши курашга бағишланган йирик халқаро анжумани олсак: 116 мамлакат вакиллари ва экс-

пертлари иштирокида ўтказилган мазкур тадбир ҳақида интернет орқали тарқатилган маълумотларда айтилишича, ҳар йили дунё бўйича тахминан 2 млн. 700 минг нафар одам мазкур жиноятнинг қурбонига айланган экан. Энг ачинарлиси, уларнинг 80 фоизини аёллар ва болалар ташкил этади.

БМТнинг хабарларига кўра, одам савдоси 127 мамлакатда кенг тарқалган бўлиб, 137 давлатга четдан мажбуран ишлатиш учун одамлар келтирилади. Афсуски, бу иллат юртимизни ҳам четлаб ўтмади. Олинган маълумотларга қараганда, сўнгги беш йилда республикамизда 5 мингдан зиёд киши одам савдоси билан боғлиқ жиноятдан жабрланган. Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида (37-модда) ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шартлоларида ишлаш ва қонуندا кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эга эканлиги белгиллаб қўйилган. Қолаверса, Ўзбекистон истиқлолга эришган, фуқароларимизга чет давлатларга чиқиш учун имкониятлар яратилиб, хорижий давлатлар билан иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий соҳаларда ҳамкорлик ўрнатилди.

Саъдулла ХОШИМОВ,

Бош прокуратура бўлим катта прокурори

Аммо, айрим кимсалар юртдошларимизга берилган ана шундай шарт-шароит ва имкониятлардан ўзларининг шахсий манфаатлари йўлида фойдаланиб, фуқароларимизни алдов ва фирибгарлик билан хорижга олиб чиқиб кетишга уринмоқдалар. Оқибатда уларга алданган фуқароларимиз одам савдосининг қурбонига айланоқдалар.

Бундай жиноятларнинг жамиятимизга олиб келиши мумкин бўлган салбий оқибатларини чуқур англаган ҳолда ўтган йилларда юртимизда ҳам бундай иллатнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш борасида қатор ишлар амалга оширилди. Аввало, республикамизда одам савдоси жиноятлари қарши кураш ва уларга барҳам беришга йўналтирилган норматив-ҳуқуқий база шакллантирилди. Давлатимиз одамларнинг яширин траффингига қарши курашиш ва унинг қурбонларини ҳимоя қилишга қаратилган халқаро ҳуқуқий ҳужжатларга қўшилди ва улар ратификация қилинди.

2008 йил 17 апрелда "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимизда одам савдосига қарши курашиш, ундан жабрланганларни ҳимоя қилиш борасидаги муҳим босқич ҳисобланади.

Қонунда бу иллатга қарши кураш таъминилари, усуллари ва нормалари ҳуқуқий тартибга солинган. Унда бундай жиноят тури билан шугулланувчи шахсларга жавобгарлиқнинг муқаррарлиги, одам савдосидан жабрланганларнинг камситилишига йўл қўймаслик, ижтимо-

ий ҳамкорлик одам савдосига қарши курашнинг асосий омиллари эканлиги алоҳида таъминли шифатида белгиллаб қўйилди. Шунингдек, қонунда одам савдосига қарши курашиш бўйича фаолиятни бевосита амалга оширувчи давлат органлари доираси аниқлаштириб берилган. Бу органлар тоифасига Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Ташқи ишлар вазирлиги, унинг тизим-даги дипломатик ваколатхоналар ва консуллик муассасалари, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда одам савдосига қарши курашиш фаолиятини қонун ҳужжатлари мувофиқ амалга оширувчи бошқа давлат муассасалари қиради. Ушбу органларнинг асосий вазифаси — мамлакатимиз ҳудудидан ташқаридан ушбу жиноятдан жабрланган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда уларни юртимизга қайтариш чораларини қўриш, шунингдек, уларга тиббий ва психологик ёрдам кўрсатишни ташкил этишдан иборат.

Одам савдосига қарши курашиш масалаларида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, тиббиёт ва таълим муассасалари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, кенг жамоатчилик билан ақндан ҳамкорлиги таъминланди. Жумладан, "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Қонун асосида одам савдосига қарши курашиш бўйича республика Идораларо комиссияси тузилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Идораларо комиссиянинг фаолият кўрсатиш тартиби белгиланиб, унга раҳбарлик қилиш Республика Бош прокуратурага топширилди.

Ўтган вақт мобайнида мамлакатимизда одам савдосига қарши курашиш борасида олиб борилаётган ишлар кўлами кескин жонланди. Бундай иллатлардан фуқароларимизни ҳимоя қилиш ва айбдорларга жазонинг муқаррарлиги таъминланмоқда.

Такасалтанглик касофати

А. НАЗАРОВ,

Ангор туман прокурори



Эндигина вояга етган ўғил болалар ота-онанинг корига ярашга, бирор касб эгаси бўлишга, билим олишга интилувчан бўлишди. Юртимиз ёшларининг бундай фазилатлар эгаси эканлигиндан, уларнинг орасидан халқро спорт мусобақалари чемпионлари, турли танловлар ғолиблари чиқаётганлигидан беҳад faxрланамиз. Бироқ, кап-катта йигит бўлса-да, ҳамон ота-онанинг топганига кўз тикиб, тунари аса такасалтанглик қилиб юрган ёшлар ҳам афсуски учраб туради. «Юқори Таллаш-

кон» маҳалласидаги ўзига тўқ оилаларнинг фарзандлари бўлмиш Монгиев Мираббос, Норсаҳатов Ақром, Чоршанбиев Даврон, Нормуродов Фахриддин, Тўраев Жўрабеклардан иборат «беш оғайни ботир»лар кечки пайт одатдагидай кўча гурунгига тўпланишди. Бир-бирларига ҳазил қилиб, қийқиришди, ўтаётган тенгдошлари изидан ҳўштак чалиб, гап отишди. Бир маҳал Мираббос уларни бир оғиз гап билан ўзига қаратди:

— Менга қараларинг, тунов куни фотосуратчи Асадуллага «суратга тушир мани», десам, туширмади, ундан жуда хафа бўлдим. Шунинг уйига бориб, бир эсини қиритиб қўймаймизми?

— Гап йў! — деди Фахриддин муштларини тугиб.

— Кетдик! — дейишди бошқалар ҳам

бир овоздан.

Кеч соат 21:30ларда фотосуратчининг уйи томон кетишаркан эди, унинг ўзи велосипедда рўпарадан чиқиб қолди. Бешовлон шу заҳоти уни ўраб олишди. Асадулла велосипедини ташлаб қочган эди, қувиб етишди-да, дўппослашди. Сумкаси ва велосипедини Мираббос билан Даврон олиб қочиб кетишди. Зўравонлар кетишгач, Асадулла зўрга ўрнидан туриб, ички ишлар бўлимига хабар қилди.

Милиция ходимлари зўравонларни тезда топишди. Бозор нархи 70-80 минг сўм турадиган велосипед, жабранувчидан тортиб олинган сумка ичидаги, бозор нархи 150-200 минг сўм турадиган «Канон» маркали фотоаппарат, бир қанча ҳўжжатлар ва фотосуратларни талончилар қўлидан ашвейи далил сифатида олиб қўйишди.

Зўравон йигитчаларнинг ота-оналарию, маҳалладошлари аввалига уларнинг қилмишларига ёшлик-бебошлик

деб юзаки қарашган эди, аммо бу воқеа суд жараёни бошланганда қанчалар жиддий, қўлларни хижолатга солувчи масала эканлиги маълум бўлиб қолди. Тасаввур қилинг: суд залидаги темир панжара ортида беш нафар мўйлови энди сабза урган йигитчалар, таъд эса бошлари ҳам бўлган отавор, ака-укалар, фарзандларига ҳўжжати ва афсус билан термулган қўйи кўзларидан шашқатор ёш оқаётган онайизорлар ўтиришди... Афсуски, қўп ҳолларда кишилар сўнгги пушаймон гирдобда қоладилар. Ҳолбуки, шу болаларнинг юриштиришига маҳалла-қўй эътибор берганида, ота-оналар уларнинг ўқиши ёки ишлаши учун қайғуришганда бундай маломатли воқеа содир бўлмас эди. Тўғри, жабранувчи «уларга даъвом йўқ» деб турибди. Лекин, ўн гулидан бир гули очилди деб турган бегубор ёшлик чоғида судланишни ҳеч кимга раво қўрмайлик. Бунинг учун ҳўшёр ва огоҳлик зарурдир, азизлар!

Омбордаги ўпқон

Ғалла бойлигимиз, ризқ-рўзимиз. Дастурхонимизни энг азиз неъмат бўлган нонсиз тасаввур этиш қийин. Бепеён бугайзорларда олтиндек товланиб турган донни етиштириш учун ғаллакорларимиз йил ўн икки ой тер тўкишади. Сара донларнинг омборларимизни тўлдириб туришларини қўриб кўзингиз қувонади. Бироқ омборда ўпқон пайдо бўлса-чи? Ғаллакорларимизнинг ҳалол меҳнатлари эвазига бунёда этилган донни ютиб юборса-чи? Бугун биз қаламга олаётган воқеадаги кимсалар ана шундай хатти-ҳаракат содир этди.

Мирзохиджон ХАЙДАРОВ,

Булоқбоши туман прокуратураси

терговчиси

Ҳабиба УҚТАМ, журналист

тиш пайида бўлди.

Дон қабул қилиш шохобчаси соқчилар бошлиғи Дамирбек Қодировни нима жин урди дерсиз. У шайтон васасасига кириб, ўз бурчини унутди. Дон қабул қилиш шохобчасига олиб қилишаркан ва олиб чиқиб кетишаркан донни назорат қилиш, уларнинг ҳўжжатини текшириш ўрнига келишувга мувофиқ ўзини четга олди. Шахсий ишлари билан банд бўлиб, назорат жойини ташлаб чиқиб кетди. Қинғирликларни қўрса-да, билмасликка олди.

Дон қабул қилиш шохобчаси раҳбари Р.Азаматов турмуш ўртоғининг акаси Иззатилло Турдиевни омбор мудири ёрдамчиси қилиб тайинлаганда, унинг ёрдамчида мўмай даромад олишни кўзлаганда. Иззатилло Турдиев Р.Азаматовнинг ҳақийқий суянчиги бўлди. Шунинг учун у Олтинқўл туманига юборилаётган дон юк хатисиз жўнатилаётганини билиб туриб индамади. Фақат тарозибонга топшириш билан чекланди.

Омбор мудири Деҳқонбой Ҳожиёв ҳам фермер ҳўжаликларида етиштирилган донни қабул қилиб олиш, кўз қорачигдек сақлаш, урулғик бугдойни тегишли ҳўжжатларни расмийлаштирилган ҳолда навига қараб Олтинқўл, Андижон ва Избоскан туманларига жўнатиш ўрнига қаллобликка қўл урди. Равшан Азаматов, омбор мудирилари Охунжон Соттиев, Деҳқонбой Ҳожиёв, шохобча соқчилар бошлиғи Дамирбек Қодиров, омбор мудири ёрдамчиси Иззатилло Турдиев ва Олтинқўл дон қабул қилиш шохобчаси мудири Жумақўзи Жўраевларнинг қинғирликлари фош бўлди. Шунда нафс ўпқонига йўлиққан кимсалар ўзини қўйгани жой топа олмай қолди.

Кимда ким юқоридагилар каби нафсини жиловлай олмаса, бир кун келиб боши эгилди, қонун олдида жавоб бериши тайин бўлади.

— Ҳўп бўлади, ҳўжайин!

Шундай қилиб, жинойт гуруҳ аъзолари ўзлари амалга оширадиган ишлар юзасидан ўзаро келишиб олдилар.

Дон қабул қилиш шохобчаси раҳбари қинғир ишларга фатво бераркан, бу билан у, энг аввало, ўзининг оёғига болта урди. Дон қабул қилиш шохобчасида тартиб ўрнатиш, ғаллани кўз қорачигидай сақлаш ўрнига у ўз мансабини суиистеъмол қилди. Фаразгўйлик ва бошқа манфаатларни кўзлаб, расмий ҳўжжатларга бида туриб, сохта маълумотлар киритди. Равшан Азаматов ҳўжжатлар тузишга бош-қош бўлди. У ўз қўл остидаги ҳодимлардан ташқари Олтинқўл дон қабул қилиш шохобчаси омборчиси Ж.Жўраевни ҳам қинғир ишга шерик қилди. У билан ўзаро жиноий тил бириктириб, 2011 йил ҳосили учун Булоқбоши дон қабул қилиш шохобчасида сақланаётган урулғик бугдойни Олтинқўл туманига жўнатишда қўшиб ёзишга кўндирди ва қўшиб ёзилиш шарт бўлган 35 тонна маҳсулот учун Ж.Жўраевга 7 миллион сўм нақд пул берди. Шу йўл билан Олтинқўл туманига келтирилган ғалла 7140 килограмм ўрнига 8140 килограмм деб қайд этилди. Ана шундай қинғирлик туфайли 12 та ҳолатда 49 тонна топширилмаган дон маҳсулотлари топширилди деб сохта ҳўжжатлар тузилди.

Шундай қилиб, Булоқбоши дон қабул қилиш шохобчаси омборида сақланаётган 76 тонна дон ғайриқонуний йўл билан ўзлаштирилиб, талон-торож қилинди. Омбор мудири Охунжон Саттиев эса бу жиноятларни қўра-била туриб бошлиққа қарши чиқмади. Аксинча омбордан куппа-кундузи талон-торож қилиниб олиб кетилаётган ғаллани кимларгадир нақд пулга со-

«Ўроқда йўқ, бошоқда йўқ, хирмонда ҳозир» бу кимсаларнинг қинғир ишларини қўриб ҳайратдан ёқа ушлайсиз. Уларнинг виждони могорлаб кетганлигидан афсусланасиз. 45 ёшга кирган Равшан Азаматов бошини эгиб ўтирибди. У қилмишдан пушаймонлигини қайта-қайта тақорлаётган бўлса-да, қинғир ишни қилишдан олдин қандай мақсадларни олдига қўйгани унинг ўзига аён.

Ҳаммаси 2010 йил ғалла ўрими мавсумидан бошланди. Фермер ҳўжаликларида етиштирилган ғалла дон қабул қилиш пунктига олиб келина бошлагач, раҳбарнинг нияти бузилди. «Шунча ғалла-я! Бирозгинасини сотиб, нақд пулга айлантурсак, ким билиб ўтирибди. Қарабсизки, қозон ҳам мой, чўмич ҳам мой-да. Нима қилсам экан?» Равшан Азаматов кўп ўйлаб ўтирмади. У қинғир режаси ҳақида омбор мудири, унинг ёрдамчиси, материал омборчисига ёрилди. Тоғ-тоғ уйилиб ётган ғаллага қараб, оғзининг сўлаги оқиб турган, текин даромад истагидея ёнаётган кимсаларга раҳбарнинг тақлифи мойдек ёкди.

— Лаббай ҳўжайин! Сиз нима десангиз шу. Буюринг, ишни нимадан бошлайлик? — дейишди қўл қовуштиришиб.

— Биласизлар, даромад ўз-ўзидан келмайди. Ахир халқимиз «Жондан кечмасанг, жонона қайда» деб бежиз айтмаган. Бу ишни хамирдан қил сугургандай амалга ошириш лозим.

Жиноятчилар дастлаб ғаллани қўшиб ёзиш ва бунинг учун ҳўжжатларни сохталаштиришга келишиб олишди.

— Лекин бу жуда қийин... Қолаверса соқчилар бошлиғи ҳам бор, — деди кимдир.

— Соқчилар бошлиғи? Унинг ҳам бола-чақаси бор. Қўнғлига йўл топинлар.

Инсон яраганидан бери қанчадан-қанча замонлар ўтди, тузумлар ўзгарди. Туран урф-одатлар ва қонун-қончалар ҳам шунга мос равишда таомилга кирди. Таассуфки, биз яшаётган XXI асрга илм-фаннинг мисасиз имконияти билан бирга башариятнинг «ёски даралари» ҳам кўчиб ўтди. Одам савдоси шулар жумласидан. Аммо қўллик деган тушунчанинг бугунги шакли олдинги замонларгагина анча фарқ қилади. Бугун одамлар ўз истақларига қўра қўлликка рози бўлаётлар. Баъзи юртошларимизнинг соддалиги ва ўз ҳўқуқларини билмаслиги «одам савдогарлари»га қўл келмоқда. Улар хорижда даромад олиш ваъда қилиб, содда кишиларни осонгина қўлга туширишмоқда. Миллионлаб одамларнинг ҳаётини қиларкан қилиётган бундай трансмиллий жиноятлар кейинги йилларда авж олиб, жаҳон ҳамжамиятини ҳам таҳдиққа солмоқда.

Мўминбойнинг муғомбирлиги



Халим УРИНОВ,
Буқоро туман прокурори
Шаҳло БАКОВЕВА,
журналист

Инсон ҳўқуқлари поймол этилишининг энг тубан кўриниши бўлган бу жиноят айнисса, ёшларимизни ўз

домига тортаётгани ачинарли.

Лошалик Мўмин Хайитов пул учун ўз ҳамюртларини ҳам қўрбон қилдиганлардан бўлиб чиқди. Фуқароларни Россия Федерациясига оғига 700-1000 АҚШ долларлик иш ваъда қилиб, йўлига солади. Содда қишлоқдошлар унинг гапига «учиб», йўл қира ва фуқаролик паспортини фарибгарнинг қўлига тўтқазишди ва ўз ихтиёрлари билан «қўллик занжир»ни бўйинлаги иладилар.

Мўминбой муғомбирлиги ортидан нон ейишни касб қилганди. Мардикор бозоридан ҳовлисидида беда ўтини ўрдиришга ёллаган Худойқўл исмли кишига тузук ташлади. «Россияда қурилиш ишларида ишлаб, 800-1000 доллар иш ҳақи олмасиз. У ерда ишлайман деганга иш бор. Хоҳласангиз ўзимга шерик қилиб олиб кетишим мумкин». Бунча пулнинг дарагини эшитган мардикор йигит Россияга кетишга шайланади. Унга қўшиб фуқаролар Алижон Андаев, Рўзимурод Чориев, Авез Авезов, Жўрақул Ражабов, Карим Қурбон, Бешим Эргашевларни ҳам шу тариха тузукқа илтириди.

Автобуса Россияга кетаётганлар йўлбошчиларига паспорт ва пуллари ишни олиб топширишди. Ваъда қилинган иш бўлдию, аммо маошдан дарак йўқ эди.

Ярим йилгача насига ишлаб, сарсон бўлган фуқаролар амаллаб юртларига қайтиб келадилар. М.Хайитовнинг уйига бориб, иш ҳақларини беришни талаб қилдилар. Фарибгарнинг эса «ана эрта, мана индин» деган баҳоналарининг охири кўринмагач, ҳўқуқ-тартибот органларига мурожаат қилдилар.

М.Хайитов қонун доирасида қилмишига яраша жазосини олди. Суд ҳўқимга қўра Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 135-моддаси 2-қисмининг тегишли бандлари билан айбли деб топилиб, 3 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди. Шунингдек, ундан жабранувчиларнинг иш ҳақлари ундириладиган бўлди.

Шу ўринда бир мулоҳаза. Жабранган фуқаролар четда ишлаш истаги борлигини қўнадаги ҳўжжатбор фарибгарга эмас, энг аввало, Меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига қарашли Ташқи меҳнат масалалари миграция агентлигига билдирсалар, бундай овора-о сарсон бўлишмасди. Қолаверса, қонуний йўл билан ишлашга кетганлар давлат ҳимоясида бўлиб, улар ҳеч қандай таъдиқларга учрамайди.

Божхонадаги манқуртлар

Таом устиди иштаҳа очилади, уларнинг нафслари борган сари ҳакалак отаверди. Нафақат бирон-бир ҳужжатсиз, зарур ҳужжатлари бўлган юкларни ўтказиш учун ҳам пора талаб қилиб олишлари олайти ҳога айланган. Чунончи, тегишли тартибда рўйхатдан ўтиб, қонуний фаолият билан шуғулланаётган Бозорбой Давлатовни "Камаз" машинасига юклаган шафтолининг кафолат хати, тегишли ҳужжатлари бўла туриб, божхона постидан ўтказишмади. Тадбиркорнинг фиғони фалакка чиқди. Оқимий ҳодимлар бошиққа учрашни маслаҳат беришди. Смена бошлиғи Муҳиддин Ражапов деган йигит экан.

— Биласиз-ку, қачондан бери Сўхга мева-чева ташийман. Ҳужжатлар жой-жойида бўлса, нега йўлимизни тўсасиз?

— Ҳужжатлариз эскирган, янгилаштириб олмагунизча ўтказмаймиз, — деди у пинагини бумасдан.

Бозорбой ташқарида хижоибдор бўлиб турганида божхона лейтенанти унвонидан йигит "гаплагили берман" деди. Тадбиркор ночор қолди. Ҳўл мева икки-уч кунга қолмай сифатиниям, мазасиниям йўқотди. Хар дақиқа ганимат, мевани бозорда қанча тезроқ пуллаб юборса, шунча фойда. Бозорбой шартта кўнди. Муҳиддин айтган одамга 70 минг сўм санаб берганидан кейин йўли очилди. У божхонанинг бошқа сменаларида тегишли ҳужжатларни расмийлаштириб, декларация билан юкни олиб ўтиб кетаверди. М.Раджаповнинг сменасида эса хар гал пора "узатиш"га мажбур бўлди.

— Ҳаддидан ошиб кетяпти-ю, — деди кўзаниш Бахтиёржонга. У шу пост атрофида ўралашиб юрарди.

— Сизники ҳовла, — деди йигит ўзини ҳамфиқр қўрсатиб. — Ҳужжати носозлар хар битта мошиниға қўқидан уч юзгача тўлаб ўтишди.

— Йўғ-...

— Мен ўзим посредник. Муаммо чиқса айтиверинг. Муҳиддин билан ака-укадақа бўп қолганмиз.

Дарҳақиқат, дастлабки терговда аниқланган, суд мажлисларида исботлангандай, 2010 йил апрель ойи охири, май ойи бошларида Бахтиёр Аҳмаджонов "Риштон" божхона постидан сменада турган инспектор Элмурод Раҳмоновнинг қўлига қўл солиб кўради.

— Оғайниларим хориқга мева обориб сотишдади, менга ҳам улушимни бериб туришди. Беқийтирқ ўтказворсак, хар битта мошинидаан тўрт юз-беш юз доллар ишлаб оласиз!

Элмурод ютиниб қўйди.

— Мен-ку, йўқ демасдим, бошлиғимизни кўндириш керак.

Божхона постининг инспектори Бахтиёрни смена бошлиғига рўпара қилди.

— Ҳалиги бизга овқат пишириб бериб туради-ю Мохира опа, ёнимиздаги дўкнода майда-чуйдамо сотади. Бахтиёржон ўшанда укаси.

— Бўпти сиз ишизни қилаверинг, — смена бошлиғи, қанитан уни ташқарига чиқариб юборди.

— Мен ҳам чегарада хизмат қилганман, — деди холи қолганларида Бахтиёр. — Постада турганимда у ёқ-бу ёққа ўтказилаётган унча-мунча

юкка кўз юмиб, анча-мунча пул ишлаб олардим. Агар ҳўп десангиз, таниш-билишларнинг юкини ўтказиб турсак, бир сезонда битта яп-янги мошинали бўп қолардиз.

Смена бошлиғи ўттиз етти яшар Муҳиддин Раджапов аввалига ўзини тазовига солди. Кейин "Бўпти, Элмурод ва Эркинжон орқали гаплашаварамиз", дея қўл ташлади.

Шу тариқа уюшган жиноий гуруҳ аъзолари гапни бир жойга қўйиб, "хизмат ҳақи" — пора эвазига "Риштон" божхона пости орқали қўшни Қирғизистон Республикасига тегишли ҳужжатлари расмийлаштирилмаган "юк"ларни ўтказишдан иборат жиноий қилмишларини бошлаб юборишди. "Камаз" машиналарига ортилган хар хил меваларнинг эгалари Қаҳҳор ҳожи, Тохир ҳожи, Карим ҳожи, Соли ҳожиладар ўртадаги воситачи Б.Аҳмаджоновнинг қўлига айтган пулини беришаверди. У ўз улушини олиб қўлиб, пулни бевосита смена бошлиғи М.Раджаповга ёхуд смена инспекторлари Э.Раҳмонов ва Э.Сиддиқовга тўтқазаверди.

— Пулни асосан Элмурод олиб, божхона рўпарасидаги туман электр тармоқлари корхонасига қарашли подстанцияга яшириб қўйган, — дейди судланувчи М.Раджапов. — Сменани топширганимиздан кейин бўлишчи олганмиз. Биринчи марта еттинчи июнь куни Бахтиёр уч минг олти юз доллар берди. Гилос, шафтоли, бодиринг, помидор, пивз, қарам юк-ланган учта "Камаз" машиналарни декларация китобига ёзмасдан ўтказиб юбордик. Тўққизинчи июнь куни тўртта "Камаз"даги меваларни ўтказиб юборганимиз эвазига Бахтиёрдан тўрт минг олти юз доллар олиб, ўртада баҳам қўрдик. Йигирма учинчи июль куни тагин учта мошинидаги юкни ўтказиб, уч минг саккиз юз доллар олдик...

Хар гал "Камаз" ҳайдовчилари Т.Раҳимов, А.Мадалиев, Х.Мирзайимов ва Азимжон акалар автомашиналаридаги юкни Қирғизистон Республикаси ҳудудидagi "Торговий" савдо марказига элтиб тушириб изларига қайтишар, тагин ҳеч гап бўлмагандай, чегарадан беҳавотир ўтишаварарди. Улар юк эгалари — "ҳожи акалар" берган АҚШ долларларини Бахтиёр Аҳмаджоновнинг қўлига тўтқазашар, у ўз навабатида божхона инспекторлари Э.Раҳмонов, Э.Сиддиқов, смена бошлиғи М.Раджаповнинг "оғзини мойлаб" мевалар қўшни давлатга ўтиб кетиш учун йўлни очиб берарди.

Жаҳонгир ПУЛАТОВ,
Фаргона вилоят прокуратураси
бўлим прокурори

Божхонанинг собиқ ҳодимлари мева ортилган юк машиналарини "Т 6 декларацияларни рўйхатга олиш китоби"га қайд этмасдан чегаранинг нариги тарафида ўтказиб юбориш, юкни тушириб қайтганларида тагин очиб бериш эвазига олаётган порадан кўн сайин худбинлашиб, тубанлашиб боришаверди. Энди, барча ҳужжатлари жой-жойидаги машиналардаги йўловчилардан ҳам, машина эгаларидан ҳам тамагирлик билан "хизмат ҳақи" ундиришга одаланишди.

Туманинг Чўнгара кишлоғилик тадбиркор Бозорбой Давлатов ҳужжатлари бўлгани ҳолда Сўх туманига мева-чева юкланган машиналарни "Риштон" божхона постидан олиб ўтиш учун М.Раджапов, Э.Сиддиқов ва Э.Раҳмоновларга 2010 йил 2 июль куни 70 минг сўм, 4 июль куни 100 минг сўм, 22 июль куни 100 АҚШ долларини микдоридан пора беришга мажбур бўлди.

26 июль куни ҳам М.Раджаповнинг сменаси постада эди. Бахтиёр одалтади, Муҳиддинга учради. Бироқ у энди тўнини тескари қийиб олди. Бахтиёр нархни ошириб смена бошлиғини шаштидан туширмоқчи бўлди. Хар битта машина учун 1000 доллардан 5 минг доллар беришни ваъда қилди. "Бўпти, тонг отаверсинчи", дея Муҳиддин сал юмшайди.

Бу гапни эшитган юк эгалари телефон орқали ҳайдовчиларга икки мингдан бериб бўлса ҳам чегарадан ўтиб олинлар, дея буюришди. Улар бу гапни Бахтиёрга етказишди. "Эрталаб ўтказвораман", деди у.

Эрталаб божхона ёнида сафга тизилиб турган мева ортилган 5 та юк машиналарини МХХ ҳодимлари кўздан кечиришди. Машиналарни қайтариб олиб кетишди. Божхонадаги манқуртлар бу гал беш минг доллар порани олишга улгуришмади. Воситачи Бахтиёр Аҳмаджонов сўроқ қилина бошланди...

Ноконуний равишда хориқга жуда кўп миқдорда мева олиб ўтишга уринган 13 нафар улгуриш мева сотувчилар, машина ҳайдовчилари ҳамда божхона ҳодимлари билан юк эгалари ўртасидаги воқитча судланиб, хар бири тегишли жазосини олишди. Пора эвазига жуда кўп миқдордаги юкларни ноконуний хориқга ўтказиб юборган божхона ҳодимлари ҳам суднинг қора қурсисига ўтказишди. Суд мажлисларида уларнинг айби тўқис исботланди.

"Риштон" божхона постининг собиқ смена бошлиғи марғилонлик 37 яшар М.Раджапов, собиқ божхона инспектори, Фуркат туманилик 31 яшар Э.Сиддиқов, собиқ божхона инспектори, бувайдалик 27 яшар Э.Раҳмоновларга беш йилдан етти йилгача озодлиқдан маҳрум этиш жазоси тайинланди.

Жаҳонгир БОЗОРОВ,
Самарқанд вилоят прокуратураси
бўлим бошлиғи ўринбосари

да, — ҳақл билан телефонни ўчирди Исомиддин.

У бундан олдин ҳам тўрт марта турли жиноятлар учун "ўтириб чиққан"лардан бўлсада, тавбасига таянмади. Оиласи-ю, гулдек фарзандларини ўйламади. Ёшларни яраштириб қўйиш ўрнига уларни жанжалга бошлади.

Иккинчи томон ҳам чакки эмас. Қўлга илинган нарсалар: Анвар пичоқ, Дилшод 1,5 метрлик арматура, Аҳмаджон бейсбол битаси, Хуришд таёқ билан "қуролланган".

Каттақўрғон шаҳар "Янги марказ" томонига қараб бир неча

машина йўл олди. Йўл-йўлкай Иштиёрларга Шерали ва Омон, Анварларга эса Аҳмад билан Илҳом қўшилишди. Отта миниб кетётган Самарқанддан ака бу ерда катта жанжал бўлишини сезди чоғи, уларни инсофга қақширишга уринди. Харакавлари бекор кетгач, уйдагиларга хабар бериш учун от чоптирди.

Хаммаси жуда тез содир бўлди. Дилшод арматурани олиб:

— Сен нега келдинг? — деди Исомиддинга.

— Урушгани келдим, — Исомиддин шундай дея унинг қўлидаги арматурага ёпишди. Ола-тасир бошланди. Исомиддин Илҳомнинг қорнига пичоқ урди. Шерали Анварни бўйнидан аяради. Самарқанддан ака келиб, уларни ахратсада, берибларига тош отишлар тўхтамади. "Тез ёрдам" машинаси келиб, Анвар ва Илҳомни шаҳар касалхонага олиб кетди.

Исмоил отасининг вафотидан сўнг, рўзгор тебратилиш ўз таразини олди. У шу мақсадга турли жойларда маримкорчилик қила бошлади. Унинг салимийлиги, очикқўнглиги Гуландом исми қизининг кўнглига ўт ёқди. Йигит ва қизнинг пинҳоний учрашувларидан оғоҳ бўлган Гуландомнинг онаси Исмоилни кўришни истади. Кўп ўтмай, қизнинг онаси ҳам йигитни ёқтириб, қизини беришга рози бўлди.

Аёл қаҳри

Шўхрат ХОЛМИРЗАЕВ,
Самарқанд шаҳар прокуратураси терговчиси

Икки томон камбағал бўлганлиги учун тўй қилиб, расмий никоҳдан ўтишмади. Узаро ишонч, меҳр-муҳаббат асосига оила қурилди. Ёш келин-куёв ижарага ўй олиб яшай бошладилар. Исмоил маримкорчилик ортидан рўзгор тебратар, Гуландом ўй юмушлари билан уйда ўтирарди. Шу тариқа оилар, йиллар ўта бошлади. Кўз очиб юмгунча шириндан-шакар уч нафар фарзандли бўлишди. Аммо, ҳамон улар ижара уйда яшаб, қўл учиди тиркичилик қилар, бу эса Исмоилни эзарди. Шу сабабли у иккиликка беришди. Уйига тез-тез ичиб келадиган, Гуландом билан арзимас нарсалар устида жанжаллашадиган бўлди.

Сўнгсиз жанжаллар сабаб муҳаббат билан қурилган оила девори дарз кета бошлади. Хотин эридан, эр хотинидан "совути". Аммо, уларни бир ришта — фарзандлари боғлаб турарди.

2010 йилнинг 31 декабрь куни янги йил байрами арафасида болалар эрталабдан "Арчага борамиз, ташқарига чиқамиз", деб туриб олишди. Гуландом уларнинг хоҳишини рад қилолмай: "Ҳозир дадангиз келсин, сўраймиз, кейин ташқарига чиқамиз", деб тинчланди.

Тушлик маҳал Исмоил уйига маст ҳолда кириб келди.

— Нима қиляпсан? — сўради хотинидан.

— Болаларингиз арчага олиб бориинг, деб холи жонимга қўймайпти. Шунга сизни кутиб турувдим.

— Майли, олиб бор, бир яйраб келишсин, — деди Исмоил.

Гуландом болаларини кийинтириб, ташқарига чиқариб юборди. Ўзи энди кийимларини эғнига олиб, эшик сари юраётганда эри нимадир деб тўхтатиб қолди. Аёл норози бўлиб, эрининг саосида зўрга жавоб берди. Бундай муомаладан тўнини тескари қийиб олган Исмоил: "Ҳеч қаерга бормайсан, ортингга қайт" деб дағдаға қилди. Бир гапдан қолмаска, аёл зотиға хос бўлган хислат. Табиийки, унинг дағдағаси жавобсиз қолмади. Ўртада даҳанани жанг қилишди кетди. Аввал ўзаро айтишувлар, муштлашувларга айланган. Эр хотини, хотин эрига ура кетди. Энди астойдил жаҳли чиққан Исмоил хотинини "қўрқитиб қўймоқчи" бўлди. У ошхонага кириб, шифада турган пичоққа ташланди. Ундан эпчилроқ чиққан Гуландом эридан пичоқни олишди. Шу аснода аёл ҳам ўзини божхара олмади. У пичоқни эрининг бўйнига санчиб олди. Исмоил додлаб юборди. Гуландом қилган ишидан қўрқиб кетиб, ўзини ташқарига отди. Унинг ортидан қичмоқчи бўлган эр бирикки қадам ташлагач, холсизланиб ерга йикилди.

Аёл бироз ўзига келгач, бўлган воқеани опасига телефон қилиб айтди. Опаси зудлик билан "Тез ёрдам" чақирди. Шифокорлар етиб келишганда, кўп юк йўқотган Исмоилнинг жони узилганди.

Ширин орзулар билан бир ёстичқа бош қўйиб, оила қурган Гуландом вақти келиб суюқлисининг қотилига айланган, болалар отасиз қолди. Жиноят иштини атрофлича ўрганиб чиққан суд хайъати Гуландом Абдухамидовани 8 йил муддатга озодликдан маҳрум этди.

"Сўнгги пўшаймон ўзингга душман", деганлари шу бўлса керак-да.

Яраланган Иштиёр ҳам йўлда келаётган "Нексия"ни тўхтатиб, касалхона томон йўл олди. Афсуски, Анвар билан Иштиёрнинг жароҳати жуда оғир бўлганлиги учун врачлар уларнинг ҳаётини сақлаб қололмадилар. Илҳомни эса асраб қолишди...

Жиноятчилар Исомиддин Рўзиев, Шерали Эрназаров, Дилшод Мўминов, Аҳмаджон Файзуллаев, Хуришд Қазақовлар суд олдидан жавоб беришди. Қолганлари ҳам тегишли жазоларини олишди.

"Жанжалга, фитна ва ичқораликка мойиллик — бетайин одамларнинг иши", — деган эди файласуфлардан бири. Мана, бетайин одамларнинг иши жанжалга, жанжал эса қотилликка сабаб бўлди. Бу "даканхўро"ларнинг "қонли жанглари" икки оилани жигарғўшларидан айирди. Ҳали 25-30 ёшга тулган йигитларнинг умри шу тариқа завол тоғди.

Кўча жанги қурбонлари

Хаммаси оддий бир муштдан бошланди. Улар кечирим сураб, ярашиб кетса ҳам бўларди. Аммо... аммо характердаги жиззаклилик катта жанжалга, қўнғилсизликларга сабаб бўлди.

Тун. Фарход Иштиёр билан Каттақўрғон шаҳар "Осиё" ресторани ёнидаги бозордан тарвуз сотиб олаётган пайтда Дилшод ва Анвар сархуш ҳолда уларга яқинлашди. Ҳеч гапдан ҳеч гап йўқ, Дилшод тўсатдан Фарходнинг қўлидаги тарвузни уриб ёрди-да, турли баҳоналар билан уни дўппослади. Каттақўрғонлар уйга қайтишди. Қиёмат эртаси кўни бошланди. Анвар билан Дилшод кечаги нохушликларни ўртоқлари Хуришд ва Аҳмаджонларга гапириб

беришди-да, рақиблари билан орани очиб қилишни рехаллаштириб, кечага яқин Каттақўрғон тумани "Қозоқ овул" кишлоғи яқинида Иштиёр ва Фарходни "дуэл"га чақирди.

Ундан сал олдинроқ Иштиёрнинг қариндоши Исомиддин келиб, жиянининг қўзи қўқарганлигини қўрган ва сабабини сўраштирган эди. Иштиёр тарвуз бозори олдидаги жанжални гапириб бергач, Анварга телефон қилиб, гўшақни Исомиддинга тўтқазди. Исомиддин уни болохонадор қилиб сўққан эди, иккинчи томондан ҳам куракда турмайдиган сўзлар жаранглади.

— Ўғил боломсан, шаҳар дарвозаси олдиға бир соатдан кейин келгин. Гаплашиб оламиз. — Бўпти. Борсак, борибмиз-

RR-0001-сонли лицензия.



Чемпионати орзуси у амалга ошадими?

Қуръа натижалари

Мақсудали ҚАМБАРОВ,
«Huquq»

«А» гуруҳи

Хитой
Иордания
Ироқ
Сингапур

«В» гуруҳи

Жанубий Корея
Кувайт
БАА
Ливан

«С» гуруҳи

Япония
Ўзбекистон
Сурия
Шимолий Корея

«Д» гуруҳи

Австралия
Саудия Арабистони
Уммон
Таиланд

«Е» гуруҳи

Эрон
Катар
Баҳрайн
Индонезия

Жорий йилнинг 30 июль оқшомида Ўзбекистон миллий терма жамоасининг Жаҳон чемпионатида навбатдаги саралаш баҳсларидаги рақиблари аниқланди. Унга кўра, вакиллариимиз «С» гуруҳида 2011 йилги Осиё чемпионати Япония, 2010 йилги Жаҳон чемпионати Шимолий Корея ва кейинги пайтда футболни ривожланиб бораётган Сурия терма жамоалари билан баҳс олиб борадиган бўлди.

Хабарингиз бор, Вадим Абрамовнинг шогирдлари Бразилия-2014 2-саралаш баҳсида ён кўшилариимиз Киргизистон терма жамоасини икки ўйин натижасига кўра 7:0 ҳисобида енгиб, мусобақадан чиқариб юборди. Тошкентдаги учрашувда рақиб дарвозасига жавобсиз 4 та гол урилганидан сўнг жавоб ўйинига бош мураббий Виталий Денисов, Марат Бикмаев ҳамда Азизбек Хайдаровларни олиб кетмади. Уларнинг ўрнини терма жамоага номзод Салим Мустафоев ҳамда Лутфулло Тўраевлар эгаллашди. Бишкекдаги учрашувда ҳам устунлик ўзбекистонлик футболчилар тарафидан бўлди. Биринчи бўлимининг ўзида гол уриш учун қатор яхши вазиятлар юзага келди. Бироқ баъзи вазиятларда рақиб

ҳимоячилари яхши ҳаракат қилишган бўлса, бошқа ҳолатларда футболчиларимиз суст-кашликка йўл қўйишди.

Иккинчи бўлимдаги илк ҳужум гол билан якунланди. Андреевнинг тўпни жарима майдончасига баландлатиб етказиб бериши натижасида Улуғбек Бақоев дарвозабон билан биргаликда тўпга сакра-

фар ҳимоячи етиб борганига қарамай, уларни яна бир ҳаракат билан алдаб, тўпни Насимовга етказди. Насимов ҳам бу меҳнатлари бесамар кетказишни истамади ва ҳисобни 0:2 кўринишига олиб келди.

Ўйин тугаши арафасида захирадан майдонга тушган Жасур Хасанов бошлаб берган ҳужумни Жепаров ривожлантирди ва қўлай вазиятда чиқиб бораётган Насимовни тўп билан таъминлади. Баҳодир эса бу сафар ҳам имкониятни кўкка соғурмай, жамоасининг учинчи, ўзининг иккинчи голини урди.

2-саралаш баҳсидан муваффақиятли ўтган 15 та жамоа ва уларга қўшилган Осиёнинг кучли беш жамоаларидан ташкил топган жами 20 та терма жамоани гуруҳларга тақсимлаш бўйича қуръа ташлаш маросими 30 июль кuni Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида бўлиб ўтди. Бизга қизиқ бўлган Осиё қитъасида бешта гуруҳ вакиллари ўз рақибларини билиб

олишди. Унга кўра, терма жамоамиз Осиё миқёсидаги энг кучли гуруҳдан бўш олади. Жаҳон чемпионатидаги бориш учун Ўзбекистон терма жамоаси Япония, Сурия ва Шимолий Корея терма жамоалари билан баҳс олиб боради. Сўнги жаҳон чемпионатининг икки қатнашчиси ва Осиё Кубогида ўзини яхши томондан кўрсата олган терма жамоаларга қарши учрашувларда терма жамоамизга осон бўлмаслиги аниқ,

олишди. Унга кўра, терма жамоамиз Осиё миқёсидаги энг кучли гуруҳдан бўш олади. Жаҳон чемпионатидаги бориш учун Ўзбекистон терма жамоаси Япония, Сурия ва Шимолий Корея терма жамоалари билан баҳс олиб боради. Сўнги жаҳон чемпионатининг икки қатнашчиси ва Осиё Кубогида ўзини яхши томондан кўрсата олган терма жамоаларга қарши учрашувларда терма жамоамизга осон бўлмаслиги аниқ,



чемпионатидаги муваффақияти акаларига куч ва ирода бағишлар. Ҳар ҳолда шунга умид қиламиз. Бутун ўзбек футболчи муҳлислари беш терма жамоамизни Бразилия майдонларида ўтадиган ЖЧДа қўришни истайдилар. Бу шунчаки орзу бўлиб қолишни истамаймиз.

Фарғона туманининг адирликлар бағрида жойлашган Хонқиз қишлоғида "Тонг" соғломлаштириш оромгоҳида шу кунларда 3-босқичга қабул қилинган 250 нафардан зиёд ўқувчи ёзги таълини мароқли ўтказмоқда.

Ёз мароқли ўтмоқда



Мазкур оромгоҳ Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи тасарруфида бўлиб, бу ерда болаларнинг мазмунли ҳордик чиқаришлари учун корхона маъмурияти ва касба уюшма қўмитаси томонидан барча шароитлар яратилган. Болалар учун қўл меҳнати, бичув-тикув, компьютер саводхонлиги, стол тенниси, кураш, футбол, баскетбол, волейбол, шахмат-шашка, гимнастика каби ўнлаб спорт тўғрақлари ташкил этилган, шу билан бирга, 2 та сув ҳавзаси мавжуд. Стадион, спорт майдончалари адабиётларга бой ахборот ресурс маркази, компьютер маркази, турли тўғрақ хоналари уларнинг ихтиёрида.

— Оромгоҳимизда "Эртақлар — яхшиликка етаклар," "Рақслар гулшани," "Кулгу соати," "Балли қизлар," "Полон йигитлар" каби маданий тадбирларнинг ўтказилиши ўғил ва қизлар

нинг билим ва дунёқарашини бойитишга хизмат қилмоқда, — дейди оромгоҳ раҳбари Алижон Жураев. — Бу ерда болаларнинг кўнгилчор ўйинлар, маданий-маърифий тадбирларда иштирок этиши учун барча шароит яратилган. Оромгоҳда яқинда педагог

мураббийларимиз ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланган "Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан!" шiori остида "Мустақиллик менинг тақдиримда" маънавий-маърифий тадбир ўтказилди. Оромгоҳда дам ола-

ётган болажонлар ушбу тадбирда фаол иштирок этишди. Тадбир сўнггида истиклол ғоясини улуғловчи нурафшон Ватан ҳақидаги куй ва қўшиқлар янгради.

Нефтчилар маданият саройи ашула ва ракс дастаси жамоаси болалар учун тайёрланган концерт дастурини намойиш этиб, болаларни хушнуд этди.

Ўқувчилар Хонқиз, Чимён қишлоқларидаги мўътабар зиёратгоҳлар ва қадамжоларга саёҳатлар уюштириб туришибди. Хувайдо зиёратгоҳига ташкил этилган саёҳат уларда катта таассурот қолдирди.

Муҳаммадjon МАХМУДОВ,
иҳнат фaҳрийси

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин!

Андижон вилоят прокуратураси жамоаси прокуратура фaҳрийси
Қаюмjon ЎРҒОНОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан
унинг оила аъзоларига чуқур таъзия
билдилади.

Huquq
yuridik gazeta

Muassis:
O'zbekiston
Respublikasi
Bosh
prokuraturasi

Bosh muharrir:
Jahongir MAKSUMOV

Tahrir hay'ati:
Abbosxon SANGINOV
Muxtor ZOIROV
Gulnoza RAHIMOVA
Yusupboy G'OIPOV
Svetlana ORTIQOVA
Baxtiyor NAZAROV
(Bosh muharrir
o'rinbosari)
Shavkat YODGOROV
(mas'ul kotib)

Tahririyat manzili:
Toshkent shahri, Yahyo
G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 233-98-40,
233-10-53
Faks: 233-10-53,
233-64-85

Gazeta haftaniga payshanba kunlari
chiqadi.
Sotuvda kelishilgan narxda

Tahririyatga kelgan qo'yozmalar taqdir
qilinmaydi va egalari qaytarilmaydi.
Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan
farqlanishi mumkin.
«HUQUQ» materiallarini ko'chirib
bosish faqat tahririyat ruxsati bilan
amalg oshiriladi.
□ — tijorat materiali.
Reklama materiallarining mazmuni
uchun tahririyat javobgar emas.

Nashr ko'rsatkichi
231

Buyurtma j-2410. 51 890 nusxada bosildi.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida teriladi va
sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.
Navbatchi muharrir: O'.DEHQONOV
Musahhih: M.QAMBAROV
Navbatchi: O'.DEHQONOV

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00.
Topshirildi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta «O'zbekiston» nashriyot matbaa ijodiy uyida chop etildi.
Korxona manzili: Toshkent shahar, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Gazeta O'zbekiston
Respublikasi matbuot va
axborot agentligida 2009-yil
12-oktabrda 0188-raqam
bilan ro'y xatga olingan.

ISSN 2010-7413

